

Ҳисоб тўлиқ бўлса, тасаввур ҳам аниқ бўлади

3-с.

Лавозимда масъулият, ҳаётда сабоқ ва ибрат бор

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2026 ЙИЛ
28 ОКТЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№87
(2415)

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БУЮРТМАЧИСИГА АЙЛАНАДИ

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Еттилик” аъзолари маҳаллий ерликдан танланса...

Имкони бўлса, “маҳалла еттилиги” аъзолари шу ҳудуднинг ўзидан танланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ўз маҳалласида яшаган инсон одамларни, оилаларни, уларнинг шароитини яхши билади. Узоқдан қатнаб ишлаш ҳам осон эмас, янги ҳудудни ўрганиш эса вақт талаб қилади. Бу вақтда ҳал этилиши мумкин бўлган масалалар кечикиши эҳтимоли бор. Аҳоли ўзи таниган, ишонган инсонга дардини ҳам дадилроқ айтади.



2-саҳифада.

БИЗНИ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА КУЗАТИНГ!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh

ОБОДЛИК ФАЛСАФАСИ



“ЗУҲРО”ДА ОБОДЛИКНИНГ ЎЗ МАНЗИЛИ БОР...

Президентимизнинг жорий йил 27-28 апрель кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида берилган топшириқлар асосида Марғилон шаҳридаги “Зуҳро” маҳалласида бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Ободонлаштириш ишларига 12 миллиард сўм йўналтирилди. Бунёдкорлик саъй-ҳаракатлари давомида аҳолини йиллар мобайнида ташвишга солиб келган қатор масалалар ҳал этилди. Аввало, қишда лой, ёзда чанг бўлиб, аҳолига ноқулайлик туғдирадиган кўчалар асфальтланди. Тунги ёритиш тизими ўрнатилди, пиёдалар ва велосипедчилар учун йўлаклар, соғломлаштириш хиёбонлари барпо этилди.

“Обод уй” мезони асосида кўп қаватли уйларнинг ташқи қисми тўлиқ таъмирланди. Учта болалар ўйин ва спорт майдончаси ҳамда чиқинди йиғиш шохобчаси қурилди. Янги Нуронийлар маскани, китобхонлик кафеси ва кутубхона аҳоли ихтиёрига топширилди. Ушбу масканлар кексаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши, ёшларнинг билим ва дунёқарашини бойитишига хизмат қилади.

Маҳалла фуқаролар йиғини биноси таъмирланиб, “маҳалла еттилиги” фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Бу имкониятлар аҳоли билан бевосита ишлаш, мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва муаммоларга маҳалланинг ўзида ечим топишда муҳим аҳамиятга эга. Реновация дастури доирасида эскирган олтита уй ўрнида 96 та хонадондан иборат тўққиз қаватли тураржой қурилиши бошланди.

Маҳалладаги ўзгаришлар аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш чоралари билан биргаликда олиб борилди. Ҳунармандлик ва тадбиркорлик маҳалланинг “ўсиш нуқталари” сифатида белгиланиб, **юз нафардан ортиқ аҳолининг бандлиги таъминланди.** Марказий кўчаларда кечаю кундуз фаолият юритадиган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди.

“Зуҳро” маҳалласида яна бир янги иншоот — “Меҳнат” ўйингоҳи очилди. У тубдан янгиланиб, спорт машғулотлари ва тўгараклар фаолияти учун зарур имкониятлар яратилди.

БУГУНГИ СОНДА:

“Одамлар ўз муаммолари билан ёлғиз қолмаслиги керак”

Одамлар билан қанчалик кўп мулоқот қилсангиз, уларнинг дарду ташвишларини шунчалик яхши англайсиз. Шу боис ҳар куни камида ўнта хонадонга кириб, фуқаролар билан юзма-юз суҳбатлашишга ҳаракат қиламан. Чунки ҳамма ҳам ўз муаммосини очиқ айтишга ёки ёрдам сўрашга журъат этавермайди.

5-с.

Қонун рухсат беради, идора қабул қилмайди. Нега?

Айрим ходимлар учун муҳр босилган қоғоз нусха ҳали ҳам электрон маълумотдан ишончлироқ туюлади. Ваҳоланки, ҳужжатнинг ҳақиқийлигини фақат қоғоз, муҳр ёки имзо билан баҳолаб бўлмайди. Электрон рақамли имзо, QR-код ва расмий ахборот тизимлари орқали ҳам ҳужжатнинг ҳақиқийлиги текширилиши мумкин.

6-с.

Иқтисодий манфаат муҳимми ёки экологик масъулият?

Эндиликда иссиқхоналар фақатгина табиий ва суюлтирилган газ, электр энергияси, геотермал ҳамда қуёш энергияси, шунингдек, иссиқлик электр станцияларидаги иккиламчи иссиқлик энергиясидан фойдаланган ҳолда ишлаши лозим. Қаттиқ ёқилғида фаолият юритаётган хўжаликлар ўз тизимини мазкур экологик манбаларга ўзгартириши шарт.

8-с.



“МАҲАЛЛА”— ЯНГИ ҒОЯЛАР МИНБАРИ

Ботир НУРОВ,
Кармана туманидаги “Янги ариқ” маҳалласи раиси:

— Маҳаллада ишлаш — ҳар куни одамлар билан юзма-юз бўлиш, уларнинг дардини тинглаш ва муаммоларига ечим излаш демак. **Бундай масъулиятли вазифада фақат шахсий тажрибага таянишнинг ўзи кифоя қилмайди.** “Mahalla” газетаси эса янги билимлар олиш, соҳадаги ўзгаришлардан хабардор бўлиш ва ишга масъулият билан ёндашишда муҳим манба саналади.

Айниқса, одамлар манфаатига хизмат қилаётган амалий ташаббуслар мен учун муҳим. Чунки ҳар бир ҳудуднинг шароити турлича бўлса-да, бир жойда самара берган тажриба бошқа маҳаллада ҳам янги ғояга асос бўлиши мумкин. **Шу боис севимли нашримга 2027 йил учун обуна бўлдим.** Газета мутолаасини ўз устида ишлаш ва касбий маҳоратни оширишнинг бир қисми, деб биламан.

6

НЕГА ЎЛИМ ЖАЗОСИ ЭМАС, УМРБОД ҚАМОҚ?..



ТАҲЛИЛ

Болангизга билимни ким беряпти?

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришларга кўра, болани ноқонуний равишда диний таълим олишга жалб қилиш учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваргача миқдорида жарима белгиланади. Ҳуқуқбузарлик бир йил ичида такроран содир этилса, БҲМнинг 15 бараваридан 20 бараваргача миқдорида жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамоқ жазоси қўлланади.



Бу чораларнинг ҳаётимизга татбиқ этилиши бежизга эмас. Боланинг қалби ва онги оқ қоғозга ўхшайди. У катталарнинг сўзи ва хатти-ҳаракатини ўзига сингдиради. Айниқса, ёш бола устозини кўпинча ҳақиқатнинг ягона манбаи, деб билади. Шунинг учун унга билим бераётган инсоннинг шахсияти ва хулқ-атвори тарбиянинг бир қисми ҳисобланади. Нотўғри муҳитда берилган сабоқ боланинг билими, дунёқараши ва одамларга бўлган ишончига ҳам таъсир қилиши мумкин.

7-саҳифада.

8

ЛИФТ “ЛИП” ЭТИБ ЮРИБ ТУРСИН ДЕСАНГИЗ...





ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Кўксарой қароргоҳида тиббиёт ва фармацевтика соҳаси ходимлари билан учрашди.



Оқдарё туманидаги “МУСТАҚИЛЛИК” ВА “НАВРЎЗ” МАҲАЛЛАЛАРИДА янги болалар майдончалари фойдаланишга топширилди.



ОҚОЛТИН ТУМАНИДАГИ “БЎСТОН” МАҲАЛЛАСИДА 25 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаган тикувчилик цехи фаолияти йўлга қўйилди.

ЖАРАЁН

Мирзачўлда маҳалла иши қандай ташкил этилган?

Маҳалла ҳаётидаги ўзгаришларни англаш учун одамлар билан юзма-юз суҳбатлашиш, уларнинг ташвишу интилишларини тинглаш, амалга оширилаётган ишлар натижасини жойида кўриш керак. Самарқанд вилоятидан келган маҳалла вакилларининг Мирзачўл туманига ташрифи ҳам ана шу мақсадга хизмат қилди.



Дастлаб **“Дўстлик” маҳалласидаги** кутубхона, ёшларни хорижий тиллар ва касб-ҳунарга ўргатиш марказлари, “Эзгу ният” маркази ҳамда “Ҳаёт мактаби” фаолияти билан танишилди. Бу масканларнинг ҳар бири аҳамиятли мақсадга хизмат қилади: ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларга замонавий билим ва касб ўргатиш, мустақил ҳаётга тайёрлаш.

“Ержар” ва “Янги дала” маҳаллаларидаги учрашувлар жараённинг яна бир жиҳатини намоён этди. Бу ерда “маҳалла еттилиги”нинг аҳоли муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш борасидаги фаолияти ўрганилди. Эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, одамларни даромадли меҳнатга жалб этиш каби масалаларнинг жойида муҳокама қилиниши маҳалланинг халққа энг яқин бўғин сифатидаги аҳамиятини янада оширади.

Ташриф чоғида “Жиззах тажрибаси” асосида ташкил этилган маҳаллалардаги ислоҳотлар штаби фаолияти ҳам тақдим этилди. “Еттилик” таркибидаги масъуллар билан мулоқотда мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этишда идоралараро ҳамкорликни кучайтириш ва ҳар бир вазифанинг ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Делегация аъзоларининг миграциядан қайтган **Насиба Жўраева хонадонида** бўлиши ташрифнинг энг ҳаётий лавҳаларидан бири бўлди. Унинг маҳалла кўмагида имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйгани инсонга тўғри йўналиш ва амалий ёрдам берилса, янги имкониятлар эшиги очилишини кўрсатади.

Самарқандлик вакилларнинг Мирзачўлга ташрифи ҳудудлар ўртасидаги тажриба алмашинуви самарали усулларни ўрганиш ва уларни бошқа маҳаллаларда ҳам қўллаш учун аҳамиятли майдон эканини намоён этди.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Еттилик” аъзолари маҳаллий ерликдан танланса...

Бугун маҳалламизда 3 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудимиздаги саккизта кўп қаватли уйда жами 648 та хонадон мавжуд. Йиғинимиз яқинида қурилган 210 хонадонли янги тураржойлар ҳам ўз эгаларига топширилмоқда. Бу эса маҳалламиз аҳолиси сони ортиб, тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Муяссар ЖУМАБОЕВА, Сергели туманидаги “Шукрона” маҳалласи раиси.



Мен бу ерда 2016 йилда хотин-қизлар фаоли сифатида иш бошлаганман. Шу йиллар давомида маҳалламиз аҳолисини, уларнинг қувончу ташвишларини яқиндан ўргандим. Ўтган йили раислик вазифаси менга ишониб топширилди. Албатта, бу масъулиятни чуқур ҳис қилдим.

Йиғинимиз “Обод маҳалла” дастурига киритилгач, ҳудудда катта ўзгаришлар бўлди. Йўллар асфальтланди, болалар майдончалари қурилди, йўл тўсиқлари янгиланди. Нуронийлар учун чойхона, аҳолининг дам олиши ва ҳордиқ чиқариши учун амфитеатр ташкил этилди. Энг муҳими, одамларнинг кайфияти, ўз маҳалласига бўлган меҳрида ҳам ўзгариш сезилади.

Бундай ўзгаришлардан сўнг, албатта, хонадонларда тинчлик бўлиши, оилалар фаровон яшаши, ёшлар ишли, нуронийлар эъзозда бўлиши ҳам муҳим. Шу боис “еттилик” аъзолари билан хонадонларни мунтазам айланамиз. Баъзан кунига йигирматадан ортиқ хонадонга кириб, ҳол-аҳвол сўраймиз, муаммоларини тинглаймиз. Аҳоли ҳам бу ташрифларга ўрганиб қолган. Бизни кўрса, дардини айтади, маслаҳат сўрайди.

“Хонадонбай” ўрганишлар давомида 30 нафар ишсиз шахсни аниқладик. Уларнинг 10 нафари ишга жойлаштирилди, яна тўрт нафарига ўзини ўзи банд қилишида кўмаклашдик. Қолганлари ёшлар бўлиб, улар орасида меҳнат бозорига эндигина кириб келаётган битирувчилар ҳам бор эди. Йигит-қизларнинг 14 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирди, бошқалари эса ҳарбий хизматга йўналтирилди.

Маҳалламизда жиноятчилик ҳолатлари кузатилмаган. Бу йил оилавий ажралиш сифатида қайд этилган бир ҳолатни атрофлича ўргандик. Маълум бўлишича, корейс миллатига мансуб оила ўн йилдан буён маҳалламизда рўйхатда турган бўлса-да, амалда бу ерда яшамаган. Шу боис уларга доимий яшаш манзиллари бўйича рўйхатдан ўтишларини тавсия қилдик. Албатта, биз учун ҳар бир оиланинг тинчлиги ва фаровонлиги муҳим. Шу сабаб оилавий муаммоларни имкон қадар эрта аниқлаш, келишмовчиликларнинг олдини олиш ва хонадонларда соғлом муҳитни сақлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Яна бир жиҳатни алоҳида таъкидламоқчиман: жамоамиз аҳил. Муаммо кимнинг вазифасига тегишли бўлишидан қатъи назар, бир-биримизга кўмаклашамиз. Янги ходим келса, ишга тезроқ мослашишига ёрдам берамиз.

Шу ўринда бир таклифим бор эди: имкони бўлса, “маҳалла еттилиги” аъзолари шу ҳудуднинг ўзидан танланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ўз маҳалласида яшаган инсон одамларни, оилаларни, уларнинг шароитини яхши билади. Узоқдан қатнаб ишлаш ҳам осон эмас, янги ҳудудни ўрганиш эса вақт талаб қилади. Бу вақтда ҳал этилиши мумкин бўлган масалалар кечикиши эҳтимоли бор. Аҳоли ўзи таниган, ишонган инсонга дардини ҳам дадилроқ айтади.

“БИР МАҲАЛЛА — БИР МАҲСУЛОТ”

“Армижон”да анорчилик даромад манбаига айланган



Навбаҳор туманидаги “Армижон” маҳалласида анорчилик кўплаб оилаларнинг асосий даромад манбаига айланган.

Маҳалладаги 750 дан ортиқ хонадоннинг қарийб 550 тасида анор етиштирилади. Оилаларда томорқа маданияти яхши ривожланган. Ҳар бир оиланинг 10-25 сотихгача анорзори бор. Айни мавсумда хонадонлар ўртача уч-тўрт тоннагача ҳосил йиғиб олмоқда. Маҳаллада анорчилар сулоласи кўпчиликни ташкил этади.

Армижонликлар етиштираётган анорнинг харидоргирлиги, сифати ва бозордаги талаби маҳаллада бу соҳа йиллар давомида шаклланган тажриба асосида ривожланиб келаётганидан далолат беради. Маҳсулот нафақат ички бозорда сотиляпти, балки Россия ва Қозоғистонга ҳам экспорт қилинмоқда.

Шу маҳаллада истиқомат қилувчи Илҳом Шарипов ва Насиба Эргашева томорқасининг 10 сотихида анор етиштиради. Бундан 35 йил аввал Насиба опа “Дул-дул” маҳалласидан “Армижон”га келин бўлиб тушган. Шундан бери турмуш ўртоғи билан биргаликда анор етиштириб келади.

*— Турмуш ўртогим ҳайдовчи бўлиб ишлаган, ҳозирда пенсияда, — **дейди Насиба Эргашева.** — Икки нафар ўғлимиз бор. Анорчиликнинг орқасидан рўзғоримиз бут, дастурхонимиз тўкин, нолимаймиз. Ҳар йили 5 тонна атрофида ҳосил оламиз. Тўйлар қиляпмиз. Уйлар қуряпмиз.*

Анор жуда нозик ўсимлик, шу боис жой танлайди. Уни ўз вақтида кўмиш ва эрта баҳорда очиш муҳим. Анор 6 ёшга тўлгач, шохлари буталиб, камайтирилади. Бу эса ўз-ўзидан ҳосилни кўпайтириш ва сифатли маҳсулот олишга имкон беради.

Маҳаллада анорчиликнинг яна бир муҳим йўналиши — кўчат етиштириш ҳам ривожланган. Бу эса соҳанинг фақат ҳосил олиш билан чекланиб қолмай, янги анорзорлар барпо этиш ва бошқа ҳудудларни сифатли кўчатлар билан таъминлашга ҳисса қўшаётганини кўрсатади.

ҚУТЛОВ

“Халқ сўзи” — халқ ишончи, давр солномаси

Миллий матбуотимиз тарихида ўз ўрни, ўз сўзи ва ўз ўқувчисига эга нашрлар кўп. Уларнинг қадри фақат босиб ўтган йиллари билан эмас, балки жамият ҳаётида қандай из қолдиргани, одамлар тафаккурига қандай таъсир кўрсатгани, мамлакат тақдирига дахлдор масалаларни қай даражада дадил кўтариб чиққани билан белгиланади. “Халқ сўзи” газетасининг 35 йиллик фаолиятига назар ташлар эканмиз, ана шу мезонлар ҳақида ўйлаймиз.

1991 йилда илк сони нашр этилган “Халқ сўзи” газетаси мамлакатимиз мустақилликка қадам қўйган мураккаб ва масъулиятли даврда ўз фаолиятини бошлади. Бу йиллар шунчаки янги давлатчилик асослари шаклланган давр эмас, балки жамиятнинг ўзини англаши, эркин фикрга эҳтиёж ортиши, фуқароларнинг мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғуси кучайиши билан ҳам аҳамиятлидир. Ана шундай тарихий шароитда газетанинг дунёга келиши ва йиллар давомида ўз ўрнини мустаҳкамлаши миллий журналистикамиз тараққиётида алоҳида аҳамият касб этди.

Газета номи унинг зиммасидаги вазифани ҳам англатади. **“Халқ сўзи” — халқ манфаатларини ифода этиш, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни таъминлаш, муҳим қарорлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, одамларни ўйлантираётган масалаларни кун тартибига олиб чиқиш масъулиятидир.** Бу масъулият йиллар давомида нашр фаолиятининг асосий мазмунини белгилаб келди.

Ўтган 35 йил мамлакатимиз ҳаётида туб ўзгаришлар, янгиланишлар ва мураккаб жараёнларга бой бўлди. Давлат бошқаруви, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва маънавият соҳаларидаги ислоҳотлар жамият олдига янги вазифаларни қўйди. “Халқ сўзи” газетаси ана шу жараёнларни ёритиш, қабул қилинаётган қарорларнинг аҳамиятини тушунтириш, ислоҳотларнинг ҳаётдаги ифодасини кўрсатиш орқали мамлакатнинг ахборот маконида ўз ўрнига эга бўлди.

Нашрнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг саҳифаларида давлат сиёсати ва қонунчилик жараёнлари билан бир қаторда, ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳолини қийнаётган муаммолар, инсонлар ҳаётига дахлдор масалалар ҳам акс этиб келади. Айниқса, журналистик суриштирув ва ўқувчилар мурожаатлари билан ишлашга қаратилган йўналишлар матбуотнинг жамият олдидаги вазифасини англашда муҳимдир. Зеро, газетанинг таъсир кучи фақат воқеа ҳақида хабар беришда эмас, балки унинг сабабларини очиш, масъулларнинг эътиборини муаммога қаратиш ва ечим излашга туртки беришида ҳам намоён бўлади.

Газета тарихини белгилайдиган яна бир муҳим мезон — журналистикага келган янги авлодга берган сабоғи, касбга садоқатли мутахассисларнинг шаклланишига қўшган ҳиссасидир. “Халқ сўзи” таҳририятида фаолият юритган ва ижодий ҳамкорлик қилган журналистлар учун бу нашр **тажриба мактаби, сўз масъулиятини ҳис этиш ва жамоатчилик олдидаги бурчни англаш минбари** бўлиб келди.

Журналистикада устозлик фақат мақола ёзишни ўргатиш билан чекланмайди. У далилни текшириш, воқеага холис баҳо бериш, инсон тақдирига бефарқ бўлмаслик, шошма-шошарликдан қочиш ва ҳар бир сўз учун жавобгарликни ҳис этишни ҳам англатади. Бу фазилатлар эса бир кунлик тажриба билан шаклланмайди. Улар таҳририят муҳити, касбий талабчанлик ва йиллар давомида тўпланган ижодий тажриба орқали қарор топади.

Шу маънода, “Халқ сўзи”нинг 35 йиллик фаолияти — нафақат бир нашр тарихи, балки миллий журналистикамиздаги касбий анъаналар, ижодий изланишлар ва авлодлар давомийлигининг ҳам бир қисми саналади.



Азалдан матбуотнинг қудрати сўзнинг таъсири билан ўлчанган. Бугун эса бу таъсирга ишончлилик, тезкорлик, таҳлил чуқурлиги ва замонавий мулоқот усуллари ҳам қўшилмоқда. “Халқ сўзи” газетасининг 35 йиллик тажрибаси ана шу мезонлар асосида янги босқичга кўтарилиши, жамиятдаги ўзгаришларни холис акс эттириш, халқни ўйлантираётган масалаларни дадил кўтариш ва ислоҳотлар мазмунини инсонлар ҳаёти билан боғлаб ёритишда давом этишига ишонамиз.

35 йиллик қутлуг сана муносабати билан “Халқ сўзи” газетаси таҳририяти жамоасини, фахрий журналистларни, нашрнинг фаол муаллифлари ва кўп сонли мушарийларини самимий муборакбод этамиз. Газета саҳифаларида халқ манфаатига хизмат қиладиган фикрлар, долзарб таҳлиллар ва ҳаёт ҳақиқатини акс эттирувчи мақолалар янада кўпайсин. Қаламингиз ўткир, сўзингиз таъсирчан, газетхон ишончи эса доимо мустаҳкам бўлсин!

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИДА
Туркия технология жамоаси жамғармаси Бошқарув кенгаши вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.



Хива шаҳрида МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ЁШЛАР ФОРУМИ ташкил этилди.



Наманганда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида “ЁШЛАР ТАБИАТГА БЕФАРҚ ЭМАС!” экологик акцияси ўтказилди.

Mahalla №87 2026 ЙИЛ 28 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Бизнесни рўйхатга олишга жалб этилган ходимларнинг асосий иш жойи, лавозими ва ойлик иш ҳақи сақланади

РАҒБАТ

Ҳисоб тўлиқ бўлса, тасаввур ҳам аниқ бўлади



Ўзбекистонда 2026 йил 15 октябрдан 30 ноябрга қадар давом этадиган бизнесни рўйхатга олиш тадбирига жалб этилган ҳоким ёрдамчиларини моддий рағбатлантириш тартиби белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг **“Ўзбекистон Республикасида бизнесни рўйхатга олишни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги** қарорига асосан, маҳаллалар ҳудудида рўйхатга олувчилар сифатида **ҳоким ёрдамчилари** жалб этилади. Ҳоким ёрдамчилари вакант бўлган жойларда “маҳалла еттилиги” аъзоларидан бири жараёнга бириктирилади.

РАҒБАТ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА БЕРИЛАДИ?

Қарорга кўра, рўйхатга олувчиларга бириктирилган ҳудудда иқтисодий бирликларни рўйхатга олишнинг тўлиқ қамрови таъминлангач, Жаҳон банки иштирокидаги лойиҳа маблағлари ҳисобидан **бир марталик рағбатлантириш тўлови** амалга оширилади.

Тўловлар ҳар бир тўлдирилган ва қабул қилинган сўровнома учун қуйидагича белгиланади:

• *расмий фаолият юритаётган иқтисодий бирлик учун — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 0,45 фоизи, яъни **6 120 сўм;***

• *давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган иқтисодий бирлик учун — 0,6 фоиз, яъни **8 160 сўм.***

Ҳисоб-китоблар 2026 йил 1 сентябрдан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — 1 360 000 сўм асосида келтирилган.

ЯНА НИМАЛАРНИ БИЛИШ МУҲИМ?

Тадбирга жалб этилган ходимларнинг **асосий иш жойи, лавозими ва ойлик иш ҳақи** сақланади. Кутилмаган ҳолатлар сабабли рўйхатга олувчи ўрнига бошқа ходим жалб этилса, у ҳам белгиланган тартибда рағбатлантирилади. Бир марталик рағбатлантириш тўловларини Миллий статистика қўмитаси амалга оширади.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар бизнесни рўйхатга олишда онлайн иштирок этади. Шу сабабли улар бўйича ҳоким ёрдамчиларига рағбатлантириш тўлови ҳисобланмайди.

Тўловни олишнинг асосий шарти — сўровномаларни белгиланган талаблар асосида тўлиқ ва сифатли тўлдириш, уларнинг қабул қилинишини ҳамда бириктирилган ҳудуддаги иқтисодий бирликларнинг тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш.

Рўйхатга олувчи ходимлар иқтисодий бирликларни уларнинг фаолият кўрсатаётган манзилида рўйхатга олади, **сўров соат 09:00 дан 18:00 гача ўтказилади.** Бундан ташқари, респондентларга доир маълумотлар сир сақланади ва фақат статистик мақсадларда фойдаланилади.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

ТОМОРҚАНИ АНГЛАГАН МЕҲНАТДАН РОҲАТ ТОПАДИ

Бугун изланган одам имкон топяпти. Фақат ўзида бирор соҳага қизиқиш, интилиш бўлса кифоя. “Маҳалла еттилиги” эса бундай инсонларни қўллаб-қувватлашга, зарур ёрдам кўрсатишга тайёр. Биз, ҳоким ёрдамчилари ҳам ишсиз, даромадсиз одамларнинг қизиқиш ва имкониятидан келиб чиқиб, уларга иқтисодий, маънавий кўмак беряпмиз.



Садоқат ҚУРБОНОВА,
Навбаҳор туманидаги “Бешработ” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи.

“Бешработ” маҳалласи аҳолиси азалдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишган. Бироқ бу соҳадан мўмай даромад топиш мумкинлигини кўпчилиги билмаган, фақат рўзғорига, қўни-қўшниларга етса бўлди, деб ўйлашган.

“Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, ҳар бир соҳа ўзига хос даромад манбаига айлантириляпти. Илҳом Ҳамидов ҳам “еттилик”нинг кўмаги билан чорвачиликдан ташқари, томорқасининг уч сотих майдонида иссиқхона ташкил этиб, йил-ўн икки ой помидор, бодринг етиштиришни йўлга қўйди. Юз тупдан ортиқ олма, нок, узум дарахтлар экиб, боғ яратди. Бугун у учта йўналишда ҳам даромад олиб, оиласи фаровонлигини таъминлаяпти.

Илҳом акага ҳавас қилиб, яна ўнлаб даромадсиз ўтирган фуқаролар ўз хонадонида бўрдоқичилик ва иссиқхоначиликни ривожлантириб, доимий даромад манбаига эга бўлди. Бугун маҳаллада 540 та якка тартибдаги ҳовли уйлар бўлиб, уларнинг 80 фоизи чорвачилик ҳамда помидор, бодринг, картошка, саримсоқпиёз каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришади. Маҳсулотлар ўзимиздан ортмайди, 22 та кўп қаватли уйда яшовчи фуқаролар уларнинг асосий харидори ҳисобланади.

Ёнимизда “Бешработ” деҳқон ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозори бор. Илгари бу ерда савдо билан шуғулланувчилар бармоқ билан санарли эди. Сўнгги йилларда тадбиркорларга қаратилаётган эътибор сабаб, тадбиркорлик субъектлари сони кескин ошди. Савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, янги иш ўринлари яратилди. Бугун бу соҳада 163 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган бўлса, 11 нафар якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти, 56 та юридик корхона ташкил этилди. Шу тариқа жорий йилнинг ўзида 87 нафар ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминладик.

Ҳудудда тадбиркорлик соҳасида ишга солинмаган имкониятлар кўп. “Mengi tekstil group” тўқимачилик корхонаси шунинг бир йўналиши. 540 та иш ўрнига эга бўлган мазкур корхонада бешработлик хотин-қизларнинг 40 фоизи доимий меҳнат билан банд. Улар тайёрлаётган турли хил кийим-кечак маҳсулотлари Туркия давлатига экспорт қилиняпти. Яқинда мазкур корхона раҳбари ташаббуси билан 200 та иш ўрнига мўлжалланган оёқ кийимлар ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Энди йигитларимиз ҳам хорижга кетмасдан ўзимизда ишлашади.

Яхши даромад аҳолининг яшаш шароити ва ҳудуд инфратузилмасининг яхшиланишига ҳам таъсир кўрсатяпти. Хусусан, жорий йил “Конимех” каналининг маҳалламиз ҳудудидан ўтувчи қисмида аҳоли дам олиши, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда ҳудуднинг туристик жозибадорлигини ошириш мақсадида замонавий соҳил бўйи – “яшил” сайилгоҳи ташкил этилди.

Соҳил бўйи лойиҳасининг яна бир муҳим жиҳати, унинг иқтисодий аҳамияти билан боғлиқ. Лойиҳа тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, соҳил ҳудудида савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ҳудуднинг иқтисодий юксалишига хизмат қилади.

Демак, изласак, интилсак, янги имкониятлар ишга солинади, бунинг натижасида янги иш ўринлари яратилади. Навбатдаги ҳаракатимиз мебелчилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган. Шу боис бу соҳага қизиқувчи ёшларга зарур шарт-шароит яратиб беришга интиляпмиз.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Баъзан бир оғиз далда тақдирларни ўзгартиради

Мен ёшлар билан ишлашда, аввало, уларни тинглашга, қизиқиши, қандай орзулари борлигини тушунишга ҳаракат қиламан. Чунки ҳар бир ёшнинг кўнглида бир ният, амалга оширишни истаган режаси бор, баъзан эса шу ниятни рўёбга чиқариш учун унга озгина йўл-йўриқ ва далда керак бўлади.



Элбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Пахтачи туманидаги “Сулувқўрғон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳалламизида ёшлар билан ишлашни айнан шу тушунчадан келиб чиқиб ташкил этганмиз. Кимдир иш излайди, кимдир тадбиркорликни бошламоқчи, яна биров ўз қобилиятини намоён этиш учун имконият кутади. Менимча, ёшлар етакчисининг вазифаси фақат муаммони аниқлаш эмас, балки унинг ечимини топишда ёшнинг ёнида туриш, ўз кучига ишонишига ёрдам бериш ҳамдир.

Бахтиёр Ярашевнинг мисоли бунга яққол мисол. У балиқчилик билан шуғулланишни истарди, аммо бу ишни қандай бошлашни, имкониятлардан фойдаланишни яхши билмасди. У билан суҳбатлашдик, масъул ташкилотлар билан боғладик, ҳужжатларини расмийлаштиришда йўл-йўриқ кўрсатдик. Натижада қарийб 30 гектар майдонда балиқчилик кўллари ташкил этилиб, 12 нафар ишсиз ёш доимий иш билан таъминланди.

Маҳаллада ёшларнинг бандлигини таъминлашда ҳам шу йўлдан боряпмиз. 53 нафар ишсиз ёшга узоқ муддатли ижара асосида ер ажратилди. Уларнинг айримлари мавсумий экинлар экиб, йилига икки-уч марта ҳосил олишга эришмоқда.

Деҳқончилик орқали даромад топиш, ўз меҳнатининг самарасини кўриш уларда янада катта иштиёқ уйғотмоқда. Тадбиркорлик қилиш истагидаги 48 нафар ёшга эса ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда 1 миллиард 220 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашдик.

Лекин ёшлар билан ишлашни фақат иш ва даромад масаласи билан ўлчаб бўлмайди. Уларнинг бўш вақтини қандай ўтказаётгани, қизиқиши, кимлар билан мулоқот қилаётгани ҳам муҳим. Йигит-қизларнинг қизиқишини тўғри йўналтирсак, улар ўзига мос машғулотни топади, мақсад сари интилади. Шу сабаб маҳалламизда мини футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, “Заковат” интеллектуал ўйинлари, китобхонлик танловлари ва мусиқий кечаларни мунтазам ташкил этамиз.

Бу ишларнинг самарасини ёшларимизнинг ютуқларида кўряпмиз. “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг туман босқичларида 32 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритдик. Бу натижа билан маҳалламиз Самарқанд вилоятида биринчи, республика миқёсида эса учинчи ўринни эгаллади. Ёшларимиз шу кунгача беш марта республика чемпиони бўлишга эришди. Уларнинг ютуқлари эвазига маҳалламизда универсал спорт майдони ва воркаут мажмуаси қуриб берилгани эса бошқа ёшлар учун ҳам янги имкониятлар яратди.

Мен учун ҳар бир ютуқ ортида катта меҳнат, ишонч ва қўллаб-қувватлаш туради. Шу боис муаммоли вазиятга тушиб қолган ёки иш топишга қийналаётган ёшлар билан алоҳида шуғулланамиз.

Бугун сектор раҳбарлари, мутасадди ташкилотлар, маҳалла фаоллари ва ота-оналар билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларимиз натижасида маҳалламизда ёшлар жиноятчилигига барҳам берилди, ҳудудимиз “қизил” тоифадан “яшил” тоифага ўтди. Бу натижа биргаликдаги ҳаракат ва масъулиятнинг самарасидир.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Жўрабек САЪДУЛЛАЕВ.
Хоразм вилояти:

— Жорий йилда тўлов шартномасининг 50 фоизини тўлаш учун “Ёшлар дафтари” жамғармасидан ёрдам олган эдим. Энди ҳайдовчилик гувоҳномасининг “D” тоифасини олиш учун ўқув курси харажатларига ҳам субсидия олишим мумкинми?



ҲАЙДОВЧИЛИК КУРСИ УЧУН ЁРДАМ БЕРИЛАДИМИ?

Ўткирбек САИДОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги
Хоразм вилояти бошқармаси бош мутахассиси:

— Ҳа, сиз “D” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун ўқув курси харажатларини қоплашга субсидия сўраб мурожаат қилишингиз мумкин. Субсидия миқдори БҲМнинг 8 бараваригача белгиланган.

“Ёшлар дафтари” жамғармасидан бир календарь йилда турли ижтимоий ёрдамлардан кўпи билан икки марта фойдаланиш мумкин. Шу сабабли, агар жорий йилда шартнома тўлови учун олган ёрдамингиз биринчи ёрдам сифатида ҳисобланган бўлса, иккинчи ёрдам учун мурожаат қилишингиз мумкин.

Бунинг учун маҳаллангиздаги ёшлар етакчисига учрашинг ва ҳайдовчиларни тайёрлаш ўқув курси билан тузилган шартномани тақдим этиш тартибини аниқланг. Аризангизни “маҳалла еттилиги” кўриб чиқади. Субсидия маъқулланса, маблағнинг 50 фоизи ўқув ташкилотига ўтказилади, қолган 50 фоизи эса бир йил ичида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олганингиздан кейин тўланади.

“БОҒЗОР” АЁЛЛАРИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТ ЯРАТИЛДИ

ҚУЛАЙЛИК

Дўстлик туманидаги “Боғзор” маҳалласида “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” дастури доирасида аҳоли таклифлари асосида маҳалладаги бўш турган бино таъмирланиб, замонавий “Тадбиркор аёллар маркази” ташкил этилди.

Жамшид ЁРБЕКОВ.

Мақсад – ҳудуддаги 2 минг 567 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдир.

Мазкур марказ кўплаб ишсиз хотин-қизларни даромадли қилди. Масалан, Муҳайё Воҳидова раҳбарлигида 10 ўринга мўлжалланган тикувчилик цехи фаолияти йўлга қўйилиб, 5 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Бу ерда миллий ва замонавий либослар, болалар кийимлари, мактаб формалари, ётоқ анжомлари ҳамда рўзғор буюмлари тайёрланяпти.



Шунингдек, тадбиркор Феруза Холиқова ташаббуси билан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада иккита иш ўрни яратилиб, ярим тайёр маҳсулотлар тайёрланиб, маҳалла аҳолиси ва яқин атрофдаги савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

Яна бир тадбиркор — София Равшанова хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида фитнес маркази ташкил этди. Шунингдек, маҳалла ёшлари учун миллий кураш тўгараги ҳам фаолият бошлади.

— *Маҳалламизда бундай марказнинг очилиши барчамизни қувонтирди, **— дейди маҳалла фаоли Ҳамро Зокирова.** — Хотин-қизларимиз ўз маҳалласида иш билан таъминланиб, оиласига даромад келтирмоқда. Фитнес маркази ва кураш тўгараги эса аҳоли, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига хизмат қилади.*

Бир сўз билан айтганда, маҳаллада амалга оширилаётган бундай ташаббуслар аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.



Андижон маҳаллаларида ОИЛАВИЙ АЖРАЛИШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.



Сирдарё вилоятида 7 минг 784 нафар хотин-қиз КАСБ-ҲУНАР, ТАДБИРКОРЛИК ВА МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК курсларига жалб этилди.



ДАНҒАРА ТУМАНИДАГИ “КАТТА БОЙБУЧА” МАҲАЛЛАСИДА 4,5 миллиард сўм маблағ эвазига уч қаватли 26-сонли оилавий поликлиника қурилди.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“Аёл ўзини ва ўзлигини унутмаслиги керак”

Хотин-қизлар билан ишлашда энг муҳим вазифа — уларнинг муаммосини эшитишгина эмас, балки ўз кучига ишониши, қобилиятини намоён этиши ва ҳаётда муносиб ўрин топишига кўмаклашишдир. Чунки баъзан биргина имконият инсон тақдирини ўзгартиради. Кечагина уй юмушлари билан банд бўлган аёл бугун тадбиркорга айланиши, нафақат ўз оиласини даромад билан таъминлаши, балки бошқа хотин-қизларга ҳам иш ўрни яратиши мумкин.



Лобар ШАВҚИЕВА,
Фориш тумани Амир Темур номидаги маҳалла хотин-қизлар фаоли.

Хотин-қизлар фаоли сифатидаги фаолиятим давомида бунга кўп бор амин бўлдим. Аёллар билан ишлашда уларнинг шароити, ҳунари, қизиқиши ва имкониятларини ўрганишга ҳаракат қиламиз. Зеро, ҳаммага бир хил ёрдам кўрсатиш эмас, ҳар бир инсонга мос ечим топиш кўпроқ самара беради.

Бугун маҳалламизда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш ва оилавий даромадини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йил бошидан буён Ижтимоий реестрга киритилган аёлларга тикув машиналари, паррандачилик билан шуғулланиш истагида бўлганларга эса шу йўналишда фаолият бошлаш учун кўмак берилмоқда. Уч нафар хотин-қизга кредит ажратилишига ёрдамлашилди, 80 нафар аёлни ишга жойлаштиришга кўмак кўрсатилди. Бу рақамлар ортида ўзгарган мақсадлар ва оиласи фаровонлиги учун интилаётган аёллар турибди.

Рухсора Худойбердиева фикримизга яққол мисол бўла олади. У оддий уй бекаси бўлса ҳам чеварчиликдан хабардор. Биз аёлнинг ана шу қобилиятини даромад манбаига айлантириши учун имконият яратишга ҳаракат қилдик. Натижада унга вақтинча фойдаланиш учун 16 та тикув машинаси берилди.

Рухсора кўрпа-тўшак тикишни йўлга қўйди, аёллар ва болалар кийимларини тайёрлаб, савдога чиқара бошлади. Энг қувонарлиси, бугун у 20 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган. Ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда аёлларни бепул ўқитиш ишлари ҳам йўлга қўйилган.

Хотин-қизлар бандлиги ҳақида гап кетганда, бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айрим аёллар кунлик ишлар билан шуғулланиб, оиласига даромад келтиради. Мавсум тугагач, иш ҳам тўхтайди, даромад эса камаяди. Ҳозир ҳудудимизда расмий бандлиги мавжуд бўлмаган 8 нафар аёл бор. Улар билан алоҳида иш олиб бориб, доимий даромад манбаини топишларига кўмаклашишимиз керак.

Шунингдек, хотин-қизларнинг билим ва малакасини ошириш, ёшлар учун чет тилларини ўрганиш имкониятларини кенгайтириш, малакали кадрлар захирасини шакллантириш ҳам долзарб вазифалардан. Оналарнинг саводхонлиги ва дунёқарашини оширишга ҳам эътибор қаратиш зарур. Чунки билимли, изланувчан она фарзандларининг таълими ва тарбиясига ҳам бефарқ бўлмайди.

Оилалар билан суҳбатлашганимизда яна бир ҳолатга дуч келамиз. Айрим аёллар кун бўйи меҳнат қилиб, топган маблағини рўзғор эҳтиёжларига сарфлайди. Оиласи учун қайғуради, фарзандлари ва яқинларини ўйлайди, аммо ўз соғлиғи, ҳордиқ чиқариши, билим олиши ва шахсий ривожланишига етарлича вақт ажратмайди.

Аслида, оилага ғамхўрлик қилиш билан ўзини унутиш бир хил тушунча эмас. Аёлнинг соғлом, билимли ва руҳан хотиржам бўлиши оила фаровонлигининг муҳим шартидир. Шунинг учун хотин-қизлар билан суҳбатларда ўзини қадрлаш, соғлиғига эътибор бериш, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш ва ўз қобилиятларини ривожлантириш зарурлигини тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Оилавий келишмовчиликларнинг олдини олишда ҳам бу жиҳатлар муҳим. Ҳар бир оиланинг муаммоси турлича бўлади. Шу сабабли низоли вазиятларни шошма-шошарлик билан баҳоламасдан, унинг сабабларини ўрганиш, эр-хотин билан алоҳида ва биргаликда суҳбатлашиш, зарур ҳолларда мутахассислар ёрдамини жалб этиш лозим. Асосий мақсад — оилада ўзаро ҳурмат, тушуниш ва масъулиятни мустаҳкамлаш.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Лавозимда масъулият, ҳаётда сабоқ ва ибрат бор

2024 йилдан буён маҳалла раиси сифатида фаолият юритаман. Бу масъулиятли вазифани зиммамга олганимда талаба эдим. Иш билан ўқишни бирга олиб бориш осон бўлмади, албатта. Бироқ вақтни тўғри тақсимлаш ва олдимга аниқ мақсад қўйиш орқали ҳар икки вазифани ҳам уддалашга ҳаракат қилдим. Жорий йилда имтиёзли равишда олий таълимни тамомладим. Бу мен учун нафақат шахсий ютуқ, балки маҳалла ҳаётидаги масъулиятимни янада чуқурроқ англашга ундаган муҳим босқич бўлди.



Аҳрорбек ТОЖИБОЕВ,
Олтинкўл туманидаги “Кўтармачек” маҳалласи раиси.

Раислик фаолиятимни бошлаган пайтимда маҳалламиз **“Ташаббусли бюджет” лойиҳасида** ҳали ғолиб бўлмаган эди. Бугун эса ҳудудда сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, 4,2 километр ички кўча асфальтланди, ҳудудимиз **“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла”** сифатида танлаб олинди. Обод ва равон кўчалар, аҳоли учун қулай шароитлар яратиш борасидаги ишлар бизни янги мақсадлар сари руҳлантирмоқда.

Айни пайтда энг муҳим вазифаларимиздан бири — камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг доимий даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашиш. Йил бошида камбағал оилалар сони 36 тани ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 26 тага тушди. Уларнинг 16 таси доимий давлат таъминотида бўлиб, қолган 10 та хонадон билан алоҳида иш олиб борилмоқда. Ҳар бир оиланинг шароити, имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, муаммоларга ечим топишга ҳаракат қиляпмиз.

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги муҳим лойиҳалардан бири — маҳалламизда 100 ўринли тикув цехи ташкил этилаётганидир. Тадбиркор ташаббуси ва давлат ҳамкорлигида амалга оширилаётган ушбу ташаббус, аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишсиз фуқаролар учун янги имкониятлар эшигини очади. Ижтимоий реестрдаги ва уюшмаган аҳоли қатламидан 56 нафар фуқарони ишга жалб этиш режалаштирилган. Келгусида уларнинг ойлик даромади 3-5 миллион сўм атрофида бўлиши кутилмоқда.

Маҳалладаги муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик кўмаги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда оқсоқоллар ва нуронийлардан иборат фаол жамоа шакллантирдик. Ҳашарлар ташкил этиш орқали бир нечта оиланинг уй-жойини янгидан қуришга ёрдам бердик. Айрим хонадонларда бу ишлар ҳали давом этмоқда.

Маҳалламизда жиноятчиликнинг сўнгги ўн йил давомида қайд этилмагани, жиддий низоларнинг камлиги ва мурожаатларнинг асосан маҳалланинг ўзида ҳал этилиши аҳоли ўртасидаги ҳамжиҳатликдан далолат беради. Оилалар билан ишлашда эса ҳар бир вазиятга алоҳида ёндашиш зарур. Айрим ҳолларда оилавий келишмовчиликларнинг сабаблари чуқурроқ ўрганишни, томонлар билан сабр ва мулоқот асосида иш олиб боришни талаб этади.

Маҳалламиз аҳолисининг катта қисми қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Хонадонларда помидор, бодринг, картошка ва кўкатлар етиштирилади. “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида помидор ва булғор қалампири етиштириш ҳам йўлга қўйилган. Бундай ташаббуслар аҳоли даромадини ошириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Албатта, олдимизда турган вазифалар ҳали кўп. Жумладан, чиқиндиларни тўплаш ва ўз вақтида олиб чиқиб кетиш тизимини янада яхшилаш устида ишлаяпмиз. Режамизга кўра, бешта кўчада 20 та йирик чиқинди қутиси ўрнатилиб, уларни белгиланган жойга йиғиш ва ҳафтасига икки марта олиб чиқиб кетиш йўлга қўйилади.

Маҳалла раиси сифатида шуни англадимки, ҳудуднинг ободлиги фақат асфальтланган кўчалар ёки янги бинолар билан ўлчанмайди. Энг асосий мезон — аҳолининг турмуш шароити, оилаларнинг даромади, ёшларнинг бандлиги ва одамларнинг эртанги кунга ишончидир. Шу боис ҳар бир ташаббусни амалий натижага айлантириш, аҳоли билан ҳамнафас ишлашга интиламиз.

Иш жараёнида йиғилишлар ҳам анча вақтимизни олади. Агар уларни мақбуллаштириш ва самарадорлигини ошириш имкони бўлса, бевосита аҳоли билан ишлаш, муаммоларни жойида ўрганиш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш учун янада кўпроқ вақт ажратган бўлардик.

Зеро, **маҳалланинг ҳақиқий тараққиёти қоғоздаги режаларда эмас, одамлар ҳаётида сезиладиган ўзгаришларда намоён бўлади.** Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам шу — маҳалладаги ҳар бир оила учун муносиб шароит яратиш, одамларнинг меҳнат қилиб даромад топишига кўмаклашиш ва ҳамжиҳатликда янада обод ҳудуд барпо этиш.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Меҳр бор жойда масофа тўсиқ эмас

Тун ва куннинг қадрини фақат вақтидан унумли фойдаланаётган инсонгина ҳис қилади. Ҳар дақиқасини хайрли ишларга йўналтирадиган кишилар эса ҳамиша эл орасида ҳурмат ва иззатга лойиқ. Мен ҳам зиммамга юклатилган масъулият сабаб атрофимдаги ёрдамга муҳтож фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилаш, ҳаётига ўзгача мазмун олиб кириш ҳаракатидаман.



Азамат ҚЎЛДОШОВ,
Оҳангарон туманидаги “Илғор” маҳалласи ижтимоий ходими.

Айни вақтда ҳудудимизда 1 116 та оила, 878 та хонадон мавжуд. 118 нафар ногиронлиги бўлган шахс рўйхатга олинган. Уларнинг ҳолидан хабар олиш, эҳтиёжларини ўрганиш ва зарур ижтимоий хизматларни ташкил этиш кундалик фаолиятимизнинг муҳим қисмидир.

Йил бошидан буён идорамизга 200 дан ортиқ мурожаат келиб тушди. Уларнинг қарийб 90 фоизи ижобий ҳал этилди. Бу натижаларга эришишда ҳар бир мурожаатни синчиклаб ўрганиш, инсоннинг ҳақиқий эҳтиёжини аниқлаш ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фаолиятим давомида турли қийинчиликларга дуч келган оилалар билан ишлайман. Жумладан, Азамат Хотамов уч нафар вояга етмаган фарзанд тарбияламоқда. Турмуш ўртоғи Нигора Нурматова кўп йиллардан буён оғир хасталик билан курашиб келади. Азамат аканинг ўзида ҳам соғлиғи билан боғлиқ муаммолар бор, ўнг қўли ва оёғининг ҳаракати чекланган.

Ўрганиш жараёнида моддий таъминот, тиббий ёрдам ва бандлик билан боғлиқ масалаларга дуч келдик. Бу муаммоларни ҳал этиш учун тегишли чораларни белгиладик.

Дастлаб болалар нафақасини тайинлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Кейинчалик Азамат ака ва унинг турмуш ўртоғи ногиронликни белгилаш масаласида туман тиббиёт бирлашмасига йўналтирилди ва масала ижобий ечим топди.

Азамат аканинг мактабга ишга жойлаштирилиши эса хонадон вакилларининг яшаш шароитини яхшилаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Албатта, бундай оилаларга кўмак бир марта ёрдам кўрсатиш билан тугамайди. Уларнинг аҳволини мунтазам кузатиб бориш, янги эҳтиёжларини аниқлаш ва зарур хизматларни ташкил этиш ҳам ижтимоий ходимнинг зиммасидаги масъулиятдир.

Мазкур оилага 2025 йилги куз-қиш мавсумида электр энергияси ва табиий газ харажатларини қоплаш учун бир миллион сўм бир марталик моддий ёрдам берилди. 2026 йил январь ойида “Саховат ва кўмак” жамғармаси озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди. Рамазон ойида эса “Вақф” жамғармаси орқали яна бир миллион сўм моддий ёрдам ажратилди.

Маҳалламизнинг айрим ҳудудларига бориш осон эмас. Йўлнинг қийинлиги, транспорт ҳаракати учун шароит чеклангани баъзан ишимизни мураккаблаштиради. Аммо ёрдамга муҳтож инсоннинг манзили узоқ экан, деган сабаб билан унинг ҳолидан хабар олишни ортга суриб бўлмайди.

Шу боис зарур ҳолларда техника бориши қийин бўлган манзилларга отда бораман. Бу мен учун шунчаки йўл босиш эмас, балки ўз вазифамни сидқидилдан бажариш, эътиборга муҳтож инсонлар билан юзма-юз суҳбатлашиш имкониятидир.

Чунки хонадонга бориб, инсоннинг шароитини ўз кўзинг билан кўриш орқали муаммони тўғри баҳолаш мумкин. Баъзан ҳужжатларда қайд этилмаган эҳтиёжлар, одамнинг ўзи айтишга қийналадиган дардлари ҳам бўлади. Самимий суҳбат эса уларни англашга ёрдам беради.

Мен учун касбимнинг энг қувончли жиҳати — кўрсатилган ёрдамдан кейин инсоннинг юзида мамнунликни кўриш. Оиланинг муаммоси ҳал бўлса, бирор киши зарур тиббий хизматдан фойдаланса ёки ишга жойлашиб, даромад топишни бошласа, меҳнатимнинг самарасини ҳис қиламан.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ



МЎЙҚАЛАМГА ЖО БЎЛГАН МЕҲР

Тасвирий санъат инсон қалбидаги энг нозик кечинмаларни ранг, шакл ва тасвир орқали ифода этишнинг бетакрор усули. Бу тилни тушуниш, ҳис қилиш ва бошқаларга ўргатиш эса катта маҳорат, сабр ва қалб талаб қилади.

Нигина ШОЕВА,
журналист.

Ана шундай нозик ва масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этиб келаётган устозлардан бири — **Шўрчи туманидаги “Кўклам” маҳалласида жойлашган 7-сон мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Моҳируз Жўраевадир.**

Унинг дарс хонасига кирганингизда, аввало, ранглар жилоси, болаларнинг ижодий изланишлари ва қоғоз узра ҳаракатланаётган қаламлар эътиборингизни тортади. Бу ерда ҳар бир чизиқнинг ўз маъноси, ҳар бир рангнинг ўз таровати бор.

У дарс жараёнида ўқувчиларга нафақат қаламни тўғри ушлаш, рангларни уйғунлаштириш, тасвирий воситалардан фойдаланиш ёки композиция яратиш сирларини ўргатади. Болаларга **гўзалликни кўра билиш, табиатни ҳис қилиш, атрофдаги оламга эътибор билан қараш ва ҳар бир нарсадан илҳом топиш**дан ҳам сабоқ беради.

Болалик ва ўсмирлик даврида санъат билан шуғулланиш ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиради, уларда сабр-тоқат, диққат-эътибор, дид ва гўзалликка интилиш каби фазилатларни шакллантиради.

Моҳируз Жўраева ана шу жиҳатга алоҳида аҳамият беради. Устознинг ҳар бир топшириғи ортида маълум бир мақсад мужассам. Бир қарашда оддий кўринган расм машғулоти аслида болани мустақил фикрлашга, изланишга ва ўз фикрини эркин ифодалашга чорлайди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



СОЛИҚ ҚЎМИТАСИДА
“AI Soliq”: сунъий интеллект асосида солиқ хизматларининг янги имкониятлари” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.



Сурхондарё вилояти солиқ бошқармаси масъуллари МУЗРАБОТ ТУМАНИДАГИ “НУРЛИ ҲАЁТ” МАҲАЛЛАСИДА сайёр қабул ўтказди.



Пахтакор тумани солиқ инспекцияси учун ЯНГИ, ЗАМОНАВИЙ БИНО фойдаланишга топширилди.

Mahalla
№87
2026 ЙИЛ
28 ОКТЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Одамлар билан қанчалик кўп мулоқот қилсангиз, уларнинг дарду ташвишларини шунчалик яхши англайсиз

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“Одамлар ўз муаммолари билан ёлғиз қолмаслиги керак”

Бундан уч йил олдин мазкур маҳаллада иш бошлаганимда “қизил” тоифада эди. Жиноятлар фирибгарлик, безорилик ва ўғрилик билан боғланган. Бу масалалар билан жиддий шуғулланиш учун оилам билан мазкур маҳалладаги профилактика инспекторининг хизмат уйига кўчиб келдим.

Элёр ИСРОИЛОВ,
Чуст туманидаги “Ёрқишлоқ” маҳалласи профилактика инспектори.

Ўрганишлардан билдимки, ёрқишлоқликларнинг асосий даромади боғдорчилик ва чорвачилик ҳисобидан бўлгани учун аҳолининг аксарияти чорва молларини насия савдо асосида сотишга ўрганган. Содда одамларнинг ишончига кирган харидорлар эса савдолашган пулларини айтилган вақтида бермасдан, фирибгарлик йўлига ўтишган. Айрим қўни-қўшнилар ёнма-ён жойлашган томорқа ерлари чегарасини ўзгартириш, ариқ қазиш, девор кўтариш каби масалалар юзасидан ўзаро жанжаллашиб, бир-бирига тан жароҳати етказишгача боришган.

Аввало, кадастр ходимларини маҳаллага чақириб, уй-жой ва томорқа билан боғлиқ ана шундай низоли ҳолатларни бартараф этдик. Ҳар бир фуқарога қонуний ҳужжат бўйича томорқасининг чегараси қаергача эканини кўрсатиб бердик. Аҳолига ҳар қандай низоли масалани аввало бизга, яъни ҳуқуқ-тартибот органларига айтиб, куч билан эмас, ақл билан, қонуний ҳал этишларини қатъи тайинладик.

Фирибгарлик ва ўғриликнинг олдини олиш учун “маҳалла еттилиги”, кўча бошилари, нуронийлар ва имом-хатиб билан биргаликда аҳоли ўртасида ҳуқуқий тушунтириш ва тарғибот тадбирларини амалга оширдик. Фуқароларга чорва молларини ҳеч қачон бировга насия савдога бермасликларини, бир-икки сўм арзон бўлса-да, нақд пулга сотишларини тушунтирдик. Шунингдек, уйларининг эшикларини очиқ қолдирмасликларини, автомашиналарини кўчага ташлаб кетмасликларини айтдик.



Ҳудуд хавфсизлигини таъминлаш, ҳар қандай жиноятни тезкор аниқлаш учун 11 та кўчанинг кириш-чиқиш жойларига замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатиб, хизмат хонамга интеграция қилдим. Ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи мавжуд шахслар билан манзилли ишлашга эътибор қаратдик. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 6 ойда “сариқ” тоифага, бир йилда “яшил”га ўтдик.

Бироқ шу билан тўхтаб қолмадик. Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш чораларини кучайтирдик. Яқинда бир фуқаронинг мурожаат аризаси асосида яна бир фирибгарни аниқлаб, жабрланувчининг 59 миллион сўм маблағини ундириб бердим.

Одамлар билан қанчалик кўп мулоқот қилсангиз, уларнинг дарду ташвишларини шунчалик яхши англайсиз. Шу боис ҳар куни камида ўнта хонадонга кириб, фуқаролар билан юзма-юз суҳбатлашишга ҳаракат қиламан. Чунки ҳамма ҳам ўз муаммосини очиқ айтишга ёки ёрдам сўрашга журъат этавермайди. Айримлар дардини ичига ютади, бошқаларни безовта қилишни истамайди ёки муаммосини мустақил ҳал этишга уринади. Бундай ҳолларда хонадонларга ташриф буюриш, самимий суҳбатлашиш ва инсоннинг аҳволини яқиндан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ўз вақтида берилган кўмак оилавий низонинг олдини олиши, ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлаши ёки бир инсонни нотўғри йўлдан қайтариши мумкин.

Энг муҳими, одамлар ўз муаммолари билан ёлғиз қолмаслиги, маҳаллада уларни тинглайдиган, тушунадиган ва амалий ёрдам беришга интиладиган масъуллар борлигини ҳис этиши керак.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Солиқчи сифатида одамлар билан суҳбатни кўпинча оддий саволдан бошлайман: “Қандай иш бошламоқчисиз, муаммоингиз борми?” Чунки тадбиркорликни йўлга қўйиш истаги бўлган кишига фақат солиқ тўлашни эслатиш камлик қилади. Унга, аввало, ишини бошлаб олиши, даромад топиши ва оёққа туриб кетиши учун кўмак керак.

ТОПГАНИ МЕҲНАТИДАН, БАРАКАСИ ҲАРАКАТИДАН...

Расулбек СОБИРОВ,
Тахиатош туманидаги “Найманкўл”, “Обод макон”, “Кенегес”, “Саройкўл” маҳаллалари солиқ инспектори.

Яқинда “Кенегес” овулида яшовчи Жамшид аканинг фаолияти билан танишганимизда, унинг ташаббуси эътиборимни тортди. У уй шароитида қуёнчилик ва паррандачиликни йўлга қўйган. Кичик майдондан унумли фойдаланиб, Франциядан келтирилган “Ҳайкол” зотли 400 бош гўштдор қуённи замонавий усулларда парваришлаяпти. Бундан ташқари, 50 бош курка ва икки бош манзарали товус ҳам боқмоқда.

Албатта, бу ишни бошлаш осон бўлмаган. Аввало, жой масаласи, харажатларни ҳисоблаш, озуқа таъминоти ва келгуси даромадни олдиндан режалаштириш керак эди. Ҳоким ёрдамчиси Жамшид аканинг тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ишни бошлашга кўмаклашди. Биз ҳам харажат ва тушумларни ҳисоб-китоб қилиш, фаолиятни тўғри йўлга қўйиш, солиқ мажбуриятларини тушунтириш масалаларида ёрдам бердик.



Тадбиркорликда ҳисоб-китоб — ишнинг ярми. Масалан, қуёнчиликда озуқа, ветеринария хизмати, электр энергияси ва бошқа харажатларни алоҳида ҳисобга олиш, сотувдан тушган маблағни эса харажатлар билан солиштириб бориш муҳим. Шунда тадбиркор қанча сарфлаётганини, қанча даромад олаётганини ва фойдасини аниқ билади. Жамшид акага ҳам айнан шу тартибда иш юритишнинг аҳамиятини тушунтирдик. Солиқ масалаларида эса фаолиятига мос тартибни аниқлаш, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш ва белгиланган тўловларни кечиктирмаслик муҳимлигини таъкидладик.

Бизнинг ишимиз фақат тадбиркорга маслаҳат бериш ёки солиқ тўловларини назорат қилиш билан чекланмайди. Солиқларнинг ўз вақтида тўланиши ва тушумларнинг самарали йўналтирилиши ҳам маҳалла ҳаётида муҳим ўрин тутади. Чунки солиқ тушумлари ортида одамлар фойдаланадиган йўллар, обод масканлар ва аҳоли учун яратиладиган шароитлар бор.

Масалан, “Найманкўл” маҳалласида 1,5 миллиард сўмлик жундан гилам тўқиш цехи ташкил этилган, 1,6 миллиард сўм эвазига 50 ўринли “Нуронийлар чойхонаси” барпо қилинган. Шунингдек, 1,1 миллиард сўм маблағ ҳисобига фуқаролар йиғини ва туман қишлоқ хўжалиги бўлими биноси тубдан таъмирланди. “Обод макон” маҳалласида эса 2,2 миллиард сўмлик 170 ўринли “Ёшлар боғи” таъмирланиб, аҳоли учун зарур шароитлар яратилган.

Бундай ўзгаришларни кўрганда, солиқ соҳасидаги ишимизнинг аҳамияти янада яққол намоён бўлади. Зеро, ҳар бир тадбиркорнинг оёққа туриши — бир оиланинг даромади, ҳар бир ўз вақтида тўланган солиқ эса умумий тараққиётга қўшилган ҳиссадир. Шунинг учун маҳаллама-маҳалла юриб, одамларни тинглашда, муаммоларга ечим излашда ва тадбиркорликка йўл очишда давом этамиз.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Натижадорлик ташаббусдан бошланади

Тўрт йил олдин раис этиб сайланганимда маҳалламиз “қизил” тоифада эди. Бунга ўғрилик сабаб бўлган. Дастлаб ўғрилар топилиб, жазоланди. Сўнг маҳалла ҳудудидаги олтита асосий кўчанинг кириш-чиқиш жойларига 19 та замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатдик. Маҳалла ҳудудидан ўтувчи туманлараро автомобиль йўлининг қатнов қисмини ҳам назоратга олдик.

Озод МАДАМИНОВ,
Шовот туманидаги Комилжон ота номидаги маҳалла раиси.

Аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун, аввало, ўз хонадони, кўчаси ва маҳалласини асраб-авайлаши, турли хил ҳуқуқбузарлик ва кибержиноятлардан огоҳ бўлишини тушунтирдик. Бирор нохуш ҳолатни сезишса, дарҳол профилактика инспекторига хабар беришларини тайинладик. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 9 ойда “яшил” тоифага ўтдик.

Бугун “маҳалла еттилиги”нинг энг оғриқли масалаларидан бири, бу – оилавий ажралишлар, нотинч оилалардир. Шу боис асосий эътиборимизни оилалар тинч-тотувлигини таъминлашга қаратдик. Бу борада “маҳалла еттилиги”, нуронийлар, имом-хатиб билан ҳамкорликда тизимли чоралар кўриляпти. Бундай оилалар ҳақида хабар олишимиз билан ўша хонадонга бориб, тушунтириш ва панду насиҳатлар бериляпти. 2022 йилдан буён 10 та, жорий йилнинг ўзида 3 та оила яраштирилди.

Оила тинч, маҳалла осойишта бўлса, кўнгил хотиржам бўлади. Хотиржамлик бахтиёрликка етаклайди. Бизнинг маҳаллада бугун ана шу бахтиёрлик ҳукмрон. Албатта, бунга эришиш осон кечмади. Аввало, ҳар бир оилани даромадли қилишга киришдик. Ишни ҳар бир оилада 2-3 бош сут ва гўшт берадиган чорва мол боқишга ўргатишдан бошладик. Бугун аҳолининг 95 фоизида чорва моли бор. Улар кунига рўзғоридан орттириб, бир тоннадан зиёд сут сотишади. Эндиликда сутни ўзимизда қайта ишлаб, бозорга тайёр маҳсулот чиқаришни режалаштиряпмиз.



Маҳалламизнинг асосий “драйвери”ни қишлоқ хўжалигидан хизмат кўрсатиш соҳасига ўтказдик. Айни пайтда бу йўналишда ўттиздан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият юритяпти. Уларда уч юз нафарга яқин аҳоли доимий даромад манбаига эга. Жорий йилнинг ўзида айнан хизмат кўрсатиш соҳасида 69 нафар ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминладик. Эрон, Ҳиндистон, Хитой каби дунёнинг исталган давлатига юк етказиб бериш учун бешта юк ташиш хизмати корхонаси йўлга қўйилиб, уларда “устоз-шогирд” анъанаси асосида 150 нафар фуқаро ҳайдовчилик қиляпти.

Аҳоли бандлигини таъминлаш учун қўшимча тарзда боғдорчилик, балиқчилик ва тикувчилик тармоқлари ҳам ривожлантириляпти. Ҳозирда 60 гектар боғдорчилик фермер хўжалиги бўлиб, уларда олма, нок ва ўрик маҳсулотлари етиштирилиб, ички бозорларга етказилмоқда. Юртимиз аҳолиси ўртасида балиқ маҳсулотига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб боряпти. Шуни инобатга олган ҳолда иккита балиқчилик хўжалиги ташкил этдик. Бирида иккита, яна бирида битта ҳовуз бўлиб, ҳар бир ҳовуз беш гектар майдондан иборат. Етиштирилган балиқлар Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб етказиб бериляпти.

Бугун ҳар бир раис ислоҳотчи бўлиши керак. Ҳудуднинг янги “ўсиш нуқта”ларини аниқлаб, тегишли ташкилотларга таклиф киритиши лозим. Биз ҳам шунга амал қилган ҳолда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, тикувчилик корхонасини йўлга қўйдик. Ҳозир Санжар Матёқубов раҳбарлик қилаётган мазкур “Ҳумо универсал” корхонасида 53 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга. Шунинг 43 нафари маҳалламиз аёллари. Яқинда қўшимча иш қуввати яратилиб, ишчилар сони 109 нафарга етказилади.

Ислоҳот ва мавжуд имкониятларни амалга ошириш учун маблағ керак. Шукрки, бугун ҳар бир маҳалланинг ўз бюджети, маблағи бор. Биз ҳам “маҳалла бюджети” маблағлари ҳисобидан учта кўчамизга тупроқли тош ётқиздик. Ўқувчиларнинг мактабга хавфсиз қатнаши учун Санъат кўчасида 800 метр пиёдалар йўлакчаси қуришни давом эттирямиз. Шунингдек, Санъат 1-тор, Ибратли, Комилжон ота ва Санъат кўчаларига 57 та қуёш панелли тунги ёритиш чироқлари ўрнатдик. Шу тариқа 636 та хонадоннинг 95 фоизига қувур тортилиб, тоза ичимлик сув билан таъминланди.

Маҳалла инфратузилмаси яхшиланиб, болалар мактаб ва мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олинди. Соғлом турмуш тарзини ривожлантириш учун воркаут, мини футбол майдони қурилиб, турли хил спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилди. Бундай чора-тадбирларимиз ўз натижасини кўрсатди: яқинда белгиланган мезонлар асосида республика миқёсида шакллантирилган “Топ—100”талик маҳаллалар қаторидан жой олдик.

Натижадорликка эришиш осон эмас. Бунинг учун, аввало, “маҳалла еттилиги” ҳамжиҳатликда ишлаши зарур. Шахсан мен “еттилик” таркибига ишга олинаётган ҳар бир номзод билан суҳбатлашаман.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

ФОЙДА СОЛИҒИНИНГ “НОЛЬ” СТАВКАСИ ҚАНДАЙ ҚЎЛЛАНИЛАДИ?

Лочин УСМОНОВ. Қашқадарё вилояти:

— Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтганда фойда солиғининг “ноль” даражали ставкасини қандай қўлланилади?



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Сирожиддин ЭШМАТОВ,
Қашқадарё вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи:

— Президентимизнинг “Кичик бизнес субектларининг ўсиши учун янада қулай иқтисодий ва маъмурий шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, 2026 йил 1 июндан 2030 йил 1 январга қадар ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган солиқ тўловчилар учун фойда солиғининг “ноль” даражали ставкаси белгиланган ҳамда ушбу солиқ бўйича ҳисобот тақдим этиш мажбурияти бекор қилинган.

Агар солиқ тўловчи ҳисобот чорагининг иккинчи ёки учинчи ойидан бошлаб соддалаштирилган тартибга ўтган бўлса, чоракнинг муайян қисмида солиқ солишнинг умумбелгиланган тартибини қўллагани сабабли тегишли ҳисобот даври учун фойда солиғи бўйича ҳисобот тақдим этиш мажбурияти сақланиб қолади. Бунда фойда солиғининг ноль даражали ставкаси ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби амал қилган давр учун қўлланилади.

Мазкур имтиёзни солиқ ҳисоботида акс эттириш учун солиқ тўловчи “my.soliq.uz” порталидаги шахсий кабинети орқали сўров юбориши лозим.



Санкт-Петербург шаҳридаги М.Ю.Лермонтов номидаги кутубхонада “ЎЗБЕК АДАБИЁТИ БУРЧАГИ” очилди.



Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида МЕЗОЛИТ ВА НЕОЛИТ ДАВРЛАРИГА ОИД бўлиши мумкин бўлган қоятош расмлари топилди.



Ҳукумат қарори билан 390 та сув чиқариш иншоотига янги ном берилди, 1 348 тасининг номи давлат тили меъёрларига мослаштирилди.

НУҚТАИ НАЗАР

ҚОНУН РУХСАТ БЕРАДИ, ИДОРА ҚАБУЛ ҚИЛМАЙДИ. НЕГА?

Адлия вазирлиги ҳужжатларнинг қоғоз шаклли ўрнига электрон шаклини тақдим этишга оид идоравий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказди. Натижада 33 та идоравий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу фуқароларга қатор ҳужжатларнинг электрон шаклидан фойдаланиш, ташкилотларга эса уларни қабул қилиш имконини беради.

Санжар ИСМАТОВ.

Янги тартибга кўра, **биометрик паспорт, ID-карта, туғилганлик ва никоҳ гувоҳномалари, пенсия гувоҳномаси, ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома, уруш қатнашчиси ҳамда талабалик гувоҳномаси** каби ҳужжатларнинг электрон шаклини **“my.gov.uz” ва “Ижтимоий карта” мобиль иловалари** орқали тақдим этиш мумкин. Ушбу ҳужжатлар **банклар, нотариал идоралар, аэропортлар, телекоммуникация ташкилотлари ва бошқа хизмат кўрсатувчи муассасаларда** қабул қилинади.

Айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг **“ Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда “ижтимоий карта” тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги** қарорига мувофиқ, 2025 йил 1 июлдан бир қатор шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон шакли унинг асли билан тенг кучга эга экани белгиланган. Бироқ ҳуқуқий асоснинг яратилиши билан амалиётдаги барча муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмади. Айрим ташкилотларда қоғоз ҳужжат талаб қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

Бу эса рақамлаштиришнинг энг муҳим саволини кун тартибига чиқаради: электрон ҳужжатдан фойдаланиш имконияти яратилган бўлса-ю, фуқаро барибир қоғоз нусха излаб юришга мажбур бўлса, ислоҳотнинг самараси қаерда қолади?

РАҚАМЛАШТИРИШ — ҲУЖЖАТНИ ЭКРАНГА КЎЧИРИШ ЭМАС

Бугун кўплаб хизматлар онлайн шаклга ўтказилмоқда. Аммо хизматнинг дастлабки босқичи рақамлаштирилиб, кейинги жараёнлар эски тартибда қолиб кетса, фуқаро кутилган енгилликни ҳис қилмайди.

Мисол учун, ишга ёки ўқишга кириш, ҳайдовчилик гувоҳномасини олишда керак бўладиган **“086-шакл”даги тиббий маълумотномани олиш** учун фуқаро ҳали ҳам тиббиёт муассасасига боришига тўғри келадиган ҳолатлар бор. Ёки бўлмаса, ерларни хусусийлаштириш учун мурожаат онлайн берилади. Лекин **коммунал соҳадаги маълумотлар рақамлаштирилмагани боис**, кейинги босқичлар барибир “қўлда” бажариляпти.

Ёки йилига 400 мингдан ортиқ фуқаро янги автомобиль сотиб олади. Аммо рўйхатдан ўтиш ва давлат рақами олиш учун ҳалигача йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига боришга мажбур. Худди шундай, қонун бўйича суғурта полислари тўлиқ электрон шаклга ўтган ва уларни электрон базадан текшириш мумкин. Аммо йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, суғурта товонини ундириш жараёни бошланганда, компаниялар кўпинча **йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати қарори, экспертиза хулосаси ва суғурта полисининг муҳр босилган қоғоз нусхаларини** асл шаклда олиб келишни талаб қилади.

Кўпчиликни ўйлантираётган яна бир жиҳат, бу — ҳайдовчи транспорт воситасини бошқараётганда йўл-патруль хизмати ходими талабига биноан, **биометрик паспорт ёки ID-картанинг асл нусхасини тақдим этиши шарт**. Бу Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳам белгиланган. Бу ҳолат рақамли ҳужжатларнинг ҳуқуқий мақоми турли соҳаларда бир хил қўлланилаётгани ёки қўлланилмаётганини ҳам кўрсатади.



ҚОНУН БОР, АМАЛИЁТ НИМА УЧУН ОРТДА ҚОЛМОҚДА?

Бунинг бир нечта сабаби бор.

Биринчиси — айрим ташкилотларнинг ички низом ва йўриқномалари янги қонунчилик талабларига тўлиқ мослаштирилмаган. Қонун электрон ҳужжатни қабул қилиш имконини берса-да, ходим амалда эски йўриқнома асосида ишлаши мумкин. Масалан, ички тартибда ҳужжатнинг қоғоз нусхасини йиғмажилдга тикиш талаби сақланиб қолган бўлса, ходим электрон ҳужжатни қабул қилишдан кўра, қоғоз нусхасини сўрашни хавфсизроқ, деб ҳисоблайди.

Иккинчи сабаб — техник имкониятлар ва идоралараро ҳамкорликдаги камчиликлар. Электрон ҳужжатни қабул қилиш учун унинг ҳақиқийлигини текшириш, тегишли маълумотлар базасига уланиш ва ахборотни тезкор олиш имконияти бўлиши керак. Тизим ишламай қолса, интернет узилиб қолса ёки маълумотлар базалари ўзаро интеграция қилинмаган бўлса, ходим яна қоғоз ҳужжат талаб қилишга ўтиши мумкин.

Учинчи сабаб — қоғоз ҳужжатга бўлган эскича ишонч. Айрим ходимлар учун муҳр босилган қоғоз нусха ҳали ҳам электрон маълумотдан ишончлироқ туюлади. Ваҳоланки, ҳужжатнинг ҳақиқийлигини фақат қоғоз, муҳр ёки имзо билан баҳолаб бўлмайди. Электрон рақамли имзо, QR-код ва расмий ахборот тизимлари орқали ҳам ҳужжатнинг ҳақиқийлиги текширилиши мумкин.

Тўртинчи омил — назорат ва архив тизимларининг рақамли ислоҳотларга тўлиқ мослашмагани. Агар текширув пайтида ташкилотдан, асосан, қоғоз йиғмажилдлар талаб қилинса, электрон ҳужжатларни яна қоғозга чиқаришга эҳтиёж пайдо бўлади. Бу эса бир маълумотни икки шаклда сақлаш, ортиқча харажат ва қўшимча иш ҳажмини келтириб чиқаради.

ҚОҒОЗ ТАЛАБИНИ ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИШ МУМКИН?

Аввало, Адлия вазирлиги тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг **ички ҳужжатларини хатловдан ўтказиши** шарт. Электрон шаклда тақдим этилиши қонуний жиҳатдан мумкин бўлган ҳужжатнинг қоғоз нусхасини асоссиз талаб қилишга олиб келувчи ички қоидалар қайта кўриб чиқилиши керак.

Шунингдек, электрон ҳужжатларни **қабул қилишнинг ягона мажбурий рўйхатини тасдиқлаш** лозим. Унда қайси электрон ҳужжат қайси ташкилотда, қандай хизматлар учун ва қайси илова орқали қабул қилиниши аниқ кўрсатилиши зарур.

Қолаверса, Давлат хизматлари марказлари, нотариал идоралар, тижорат банклари, тиббиёт муассасалари ва ЙПХ бўлинмаларида электрон ҳужжатларни текшириш имкониятини таъминлаш зарур. Фуқародан бир идоранинг ўзида мавжуд маълумотни бошқа идорага қоғоз шаклида олиб бориш талаб қилинмаслиги керак.

Шу билан бирга, **электрон ҳужжатни асоссиз рад этиш ҳолатлари устидан назоратнинг аниқ тизимини жорий этиш** зарур. Масалан, фуқаро “my.gov.uz” орқали ҳужжат қабул қилинмагани ҳақида шикоят юбориши мумкин бўлган алоҳида хизмат яратилиши лозим. Бундан ташқари, давлат архивлари ва назорат ташкилотларининг иш тартибини электрон ҳужжатлар билан ишлашга мослаштириш керак.

Яна бир жиҳат: **ИПХ ходимларининг ҳужжатларни текшириш тартибини қайта кўриб чиқиш зарур.** Ички ишлар вазирлиги электрон ҳужжатларни йўлдаги текширувларда қабул қилишнинг ҳуқуқий ва техник имкониятларини ўрганиб, тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Агар шахсни, транспорт воситасини ва уни бошқариш ҳуқуқини электрон базалар орқали ишончли аниқлаш мумкин бўлса, ҳайдовчидан қоғоз ҳужжат талаб қилиш зарурати бартараф этилиши лозим.

Рақамлаштиришнинг ҳақиқий натижаси фуқаронинг қанча вақти тежалгани, нечта ортиқча ҳужжатдан халос бўлгани билан ўлчанади. Қонун электрон шаклни тан олган экан, амалиёт ҳам унга мослашиши шарт. Бунинг учун идоралар ўз фаолиятини мавжуд рақамли имкониятлардан самарали фойдаланишга қаратиши керак. Зеро, рақамли давлатнинг асосий вазифаси инсонни идорама-идора югуртириш эмас, унинг ишини осонлаштиришдир.

ҚОНУН НИМА ДЕЙДИ?

Намангандаги ёш қизалоққа нисбатан содир этилган мудҳиш жиноятдан кейин кўпчилик бир хил фикрда эди: “Бундайларни ўлимга маҳкум этиш керак!”. Инсонийлик нуқтаи назаридан, бу аччиқ ғазабни тушуниш мумкин — ҳимоясиз болага озор берган жиноятчига нисбатан ҳеч кимнинг раҳм-шафқат кўрсатгиси келмайди.

Нега ўлим жазоси эмас, умрбод қамоқ?..

Дилдора КАМОЛОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Лекин қонунлар лаҳзалик ҳиссиётлар ва ғазаб устида ёзилмайди. Жамиятнинг ғазаби табиий бўлса-да, қонунчилик совуққонлик ва узоқни кўра билишни талаб қилади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тайёрлаган қонун лойиҳаси билан мазкур жиноят учун ўлим жазоси эмас, балки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Бу қарорнинг нечоғли тўғри ва адолатли эканлигига бир неча муҳим сабаблар бор.

Жазонинг муқаррарлиги. Жиноятчини жазонинг шафқатсизлиги эмас, балки ундан ҳеч қачон қутулиб бўлмаслиги тўхтатади. Янги қонунчиликка асосан, бу тоифадаги мудҳиш жиноятларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортиш муддати (даъво муддати) энди қўлланмайди. Бу дегани, жабрланувчи бола вояга етиб, орадан 10 ёки 20 йил ўтиб ҳақиқатни гапирган тақдирда ҳам, айбдор шахс барибир қонун олдида жавоб беради. “Вақт ўтиши билан ҳаммаси унутилиб кетади”, деган умид бутунлай йўқ қилинди.



Суд хатосидан суғурталаниш. Дунёдаги энг мукаммал ва энг илғор суд тизими ҳам хатоликдан холи эмас. Инсон омили бор жойда туҳмат, сохта гувоҳлик, оилавий низолар ёки мерос талашиш ортидан беайб инсоннинг қораланиб қолиш хавфи доимо мавжуд бўлади. Агар панжара ортидаги инсоннинг айбсизлиги йиллар ўтиб исботланса, уни оқлаш ва йўқотилган ҳақ-ҳуқуқларини, обрўсини тиклаш имкони бор. Аммо ўлим жазоси ижро этилгандан кейин бу фожиали хатони асло тузатиб бўлмайди. Тарихда адолатсиз қатл этилиб, йиллар ўтиб ҳақиқий айбдорлари топилган юзлаб мисолларни келтириш мумкин.

Жамиятни узил-кесил ҳимоялаш. Халқаро криминологик статистика маълумотларига кўра, бу турдаги жиноятчиларнинг 10 фоиздан 25 фоизгача бўлган қисми озодликка чиққандан кейин ўз қилмишларини яна қайта содир этишга мойил бўлади. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси эса бундай хавфли шахсларни жамиятдан узил-кесил ва бутунлай ажратиб қўйишни кафолатлайди. Улар ҳаётининг охиригача қаттиқ назорат остида бўлади ва бошқа ҳеч қачон ҳеч кимга, айниқса, болаларга зарар етказа олмайди.

Умрбод қамоқ жазоси жиноятчига кўрсатилган шафқат эмас. Бу — жиноят учун берилган энг оғир, айни пайтда эътирозларга ўрин қолдирмайдиган даражада адолатли ва энг муҳими, ортга қайтариб бўлмайдиган тизимли хатолардан суғурталанган ҳуқуқий қарордир. Қонун устувор бўлган жамият эса ҳар қандай вазиятда ҳам ақл ва адолат мезонларига таяниши шарт.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Нуриддин ШАРИПОВ. Қашқадарё вилояти:
— 5 ва 8 ёшли фарзандим бор. Кузги таътил вақтида улар билан юртимиз бўйлаб саёҳатга чиқмоқчимиз. Поезд чиптасини сотиб олишда фарзандларим учун имтиёз борми?

5 ёшгача бўлган болага чипта бепулми?

Фаррух ЖЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидалари”га кўра, йўловчи ўзи билан бирга йўловчи ташиш поездида йўл ҳақи тўламасдан 5 ёшгача (жўнаш вақтига ёши тўлгани ҳам) битта болани алоҳида жой берилмасдан олиб юриш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатда болага чипта расмийлаштириш йўл ҳақи тўламасдан ота-оналар бирининг чиптасига асосан амалга оширилади.

Йўловчи билан биттадан ортиқ 5 ёшгача болалар кетаётган бўлса, улардан бири йўл ҳақи тўланмасдан, қолганлари — тариф қийматидан 50 фоиз чегирма билан алоҳида жой тақдим қилиниб ташилади. 10 ёшдан ошган болалар учун чипталар катталар сифатида сотиб олинади.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА...

Шоир Шаҳриёр Шавкатнинг Афғонистонга сафари ҳамда ушбу саёҳат асосида ёзилган “Ҳиротга, бобомнинг ҳузурига!” китоби адабий-маърифий ҳаётимизда ўзига хос воқеликка айланди.

“Ҳиротга, бобомнинг ҳузурига!”

Муаллиф Афғонистонда йигирма кун юради. Салкам уч минг километр йўл босади. Мозори Шариф, Балх, Ҳирот, Қобул, Ғазна, Қандаҳор, Андхўй, Ишкамиш… Алишер Навоий, Мавлоно Лутфий, Султон Ҳусайн Мирзо, Гавҳаршодбегим, Камолиддин Беҳзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Ғазнавий, Бобораҳим Машраб, Робия Балхий билан боғлиқ қадамжоларни зиёрат қилади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

Шаҳриёр Шавкат сафарда эшитганларини китоблардан текширади, маҳаллий одамларнинг ҳикояларини ёзиб олади, олимларни излайди, муаллимлар билан суҳбат қуради, қабристонда адашади, хароба деворларни тасвирга туширади, кўрсатув тайёрлаб, мақола ёзади. Шунингдек, асарда Ҳайратон чегараси ортидаги ҳаёт, оммавий ахборот воситаларида кам ёритиладиган Афғонистоннинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда муаллифнинг ҳаққоний таассуротлари жамланган.

...Муаллиф Қобул шаҳрига китоблар шакллантирган тасаввури билан киради. Бобур мақтаган, сўнгги манзили шу ер бўлишини орзу қилган Қобулни излайди. Аммо кўз олдидаги шаҳарнинг ҳавоси огир, кўчалари чанг, ҳаракати бетартиб, ариқлари чиқиндига тўлган. Дарвоза олдида қуролли соқчи. Бобур боғи ёпиқ. “Бобур мақтаган Қобул шуми?” – деган ҳайрат ўкувчининг кўнглига кўчади. Негаки, муаллиф шаҳарни безаб кўрсатмайди. Аммо уни ерга ҳам урмайди. Қобулни жароҳатланган хотира сифатида кўради: ўтмиши шонли, бугуни толиққан, аммо эртасидан умидвор шаҳар. Ана шу холислик китобни романтик сафарнома бўлиб қолишидан сақлайди.

Китобда Ҳирот билан боғлиқ воқеалар ҳам таъсирчан ёритилади. Муаллиф тасаввуримиздаги узуқ-юлуқ маълумотларни Ҳиротнинг тупроғи, одамларининг овози ва ўзининг ҳайратига қўшиб, ўқувчининг кўнглига олиб кира олган. Биз Навоийни шоир, деб биламиз. Муаллиф уни мадрасалар, работлар, масжидлар, хонақоҳлар, ҳаммомлар, кўприклар, ҳовузлар, ариқлар бунёдкори сифатида кўрсатади. Биз Навоийни Султон Ҳусайн Мирзонинг вазири ва дўсти, деб биламиз. Шаҳриёр Шавкат Хондамир маълумотлари орқали бу дўстликнинг сўнгги кунларини кўрсатади. Навоий вафот этганда Султон Ҳусайн Мирзо унинг тобутини елкасига олиб, пиёда боради. Хуросонда етти кунлик мотам эълон қилинади. Базмлар тўхтатилади. Муҳтожларга эҳсон тарқатилади. Шу тарика, буюк давлат арбобининг қадрини у кетганда пайдо бўлган бўшлиқ кўрсатади.



Ранг-баранг мақолалар, сафар таассуротлари, туркум шеърлар ва адабий суҳбатларни ўз ичига олган ушбу тўплам кенг китобхонлар оммаси, тарихчилар ҳамда адабиётшунослар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.



БУХОРО ТУМАНИДАГИ “САХОВАТ” МАҲАЛЛАСИДА замонавий агросаноат мажмуаси ташкил этиляпти.



Ўзбекистонда акция ва чегирмаларни QR-КОД ОРҚАЛИ ТЕКШИРИШ ТИЗИМИ жорий этилади.



Тойлоқ туманида “ТОЙЛОҚ САХОВАТИ” II МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ бўлиб ўтди.

Mahalla

№87

2026 ЙИЛ
28 ОКТЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Боланинг қалби ва онги оқ қоғозга ўхшайди.
У катталарнинг сўзи ва хатти-ҳаракатини ўзига сингдиради

ТАҚДИР ИЗМИДАН...

Қайнона эндигина туширган келинига деди:

— Барака топинг, қизим! Ўглимни тўғри йўлга солдингиз, тамаки чекиши, спиртли ичимликлар истеъмол қилишига буткул барҳам бердингиз! Мен 30 йилда қилолмаган ишни, 30 кунда амалга оширдингиз! — деди кўзёшларини қуйиб...

Оқилалик туфайли она қалбидаги орзу ушалди

Келин:

— Онажон, тош ва хазина қиссасини биласизми? Бир замонлар каттакон харсанг тош бўлиб, у йўлни ўртасида турар, йўловчиларнинг йўлини тўсар экан. Бир киши уни болта билан уриб майдалашга ҳаракат қилибди. 99 марта зарба бериб чарчаб қолибди. Кучи етмабди! Сўнг у ерга бир киши келиб қолган экан, ундан: “Эй биродар, тошни майдалашиб юборинг!” — дебди. Йўловчи рози бўлиб тошни қаттиқ урган экан, бир мартадаёқ бўлиниб кетибди. Қарашса, харсанг остида ҳамён тўла олтин бор экан. Иккиси уни талашиб қолишибди. Йўловчи: “Менинг зарбам билан тош бўлинди, хазина меники!” — деса, униси: “Ахир мен уни 99 марта урдим. Чарчадим. Ўзим бўлаклай олардим”, — дебди.

Хуллас, улар қозининг ҳузурига боришибди. Қози: “Сиз тошни 99 марта урганингиз учун олтиннинг 99 қисми сизга. Бир ҳиссаси эса бўлаклаганингиз учун сизга, — дебди иккинчи кишига. — Агар биринчи кишининг 99 та зарбаси бўлмаганда эди, юзинчи мартада тош бўлинмасди...”



Она 30 йил ҳаракат қилиб ўғлини тўғри йўлга сололмади. Келининг таъсирида 30 кунда барча иллатлардан халос бўлганидан қувонди. Келиннинг гўзал ахлоқини қаранг-ки, натижани ўз меҳнати, деб эмас, муштипар онанинг йиллар давомида чеккан заҳмати бесамар кетмаганини эътироф этиб, қайнонасини қувонтирди...

Ҳаётда ҳамма ҳам охирги натижани кўради, аммо унгача босиб ўтилган йўлни, қилинган меҳнатни, тўкилган кўз ёшларни ҳар ким ҳам ҳис қилавермайди. Баъзан бир инсоннинг бугунги муваффақияти ортида бошқа бировнинг йиллар давомидаги сабри, дуоси ва машаққати туради. Афсуски, натижага эришган киши олқишланади-ю, унга замин яратган инсоннинг ҳиссаси эътибордан четда қолади.

Келиннинг қайнонасига муносабатидаги гўзаллик ҳам шунда. У эришилган натижани ўзининг ғалабаси сифатида кўрсатиш ўрнига, она қалбидаги йиллик орзунинг ушалганини ҳис қилди. Бу билан у қайнонасининг кўнглини кўтарди, йиллар давомидаги меҳнатини қадрлади. Бундай муносабат оилада меҳрни мустаҳкамлайди, ўзаро ҳурматни оширади ва инсонлар ўртасидаги кўринмас ришталарни янада боғлайди.

Шунинг учун ҳам бировнинг ютуғини кўрганда, фақат унинг бугунги натижасига қараб баҳо бермайлик. Балки шу натижагача кимлар йўл очгани, кимлар дуо қилгани, кимлар сабр билан кутгани ҳақида ҳам ўйлаб кўрайлик. Зеро, ҳар бир муваффақиятнинг ортида кўзга кўринмас меҳнат, ҳар бир юксалишнинг тагида эса кимнингдир ҳиссаси бўлиши мумкин.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

ТАҲЛИЛ

БОЛАНГИЗГА БИЛИМНИ КИМ БЕРЯПТИ?

Боланинг қалбига қандай билим сингдирилаётгани муҳим. Аммо ундан ҳам аввалроқ бир савол бор: бу билимни ким беряпти?

Шаҳноза ХАЛИЛОВА

Бу каби ҳолатларнинг ҳар бири ортида ота-онанинг ишончи, боланинг тақдири ва келажакка боғланган умидлар бор. Энг оғриқли жиҳати ҳам шу: фарзандига яхшилик истаган ота-она баъзан айнан кимга ишонаётганини етарлича текширмайди.

Фарзандига илм ўргатиш, уни одобли, эътиқодли, ҳалол-ҳаромни танийдиган инсон қилиб тарбиялаш — ҳар бир ота-онанинг эзгу нияти. Диний билим олишга интилиш ҳам кўпчилик оилада фарзанд тарбиясининг муҳим қисми ҳисобланади. Ота-она “болам маънавиятли бўлсин, яхши-ёмонни ажратсин, ҳаётда тўғри йўлдан юрсин”, дейди. **Бироқ ана шу яхши ният билан қилинган ҳаракат баъзан нотўғри танлов туфайли фарзандинг келажагига хавф туғдириши мумкин.**

Яқинда Ургут туманида аниқланган ҳолат ҳақидаги маълумотлар ҳам шу ҳақда жиддий ўйлашга ундайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўтказган тезкор тадбирда собиқ имом-хатибнинг хонадонлардан бирида беш нафар вояга етмаган болага диний сабоқ бергани, ҳар бир бола учун ойига 100 АҚШ долларидан ҳақ олишга келишилгани аниқланган. Тергов ҳужжатларида эса у диний сабоқ бериш жараёнида гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиб келгани ҳам қайд этилган.

Шунингдек, Денов туманидаги ҳолат ҳам ташвишли. Маълумотларга кўра, муқаддам судланган, махсус диний маълумотга ва тегишли рухсатномага эга бўлмаган 41 ёшли эркак ўз уйида 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган 22 нафар болага диний таълим бериб келган. Денов ва Олтинсой туманларидан келган болалар учун санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган шароитда яшаш ва таълим олиш ташкил этилган. Бунинг учун ҳар ой 500 минг сўмдан 100 АҚШ долларигача ҳақ олинган...

Ахир, фарзандингизнинг мактабини танлаётганда ўқитувчилар, таълим сифати ва синфхона шароити билан қизиқасиз. Давлат муассасасида болангиз учун муносиб шароит яратилмаган бўлса, ҳақли равишда эътироз билдирасиз. Диний таълим ҳақида гап кетганда, нега бу талаблар унутилиши керак? Нега устознинг кимлиги, билими, қонуний асосда таълим бераётгани, болалар қандай шароитда ўтириб, қандай билимларни ўрганаётгани ҳақида савол бериш баъзан ортиқча, деб қаралади?

Масаланинг ҳуқуқий жиҳати ҳам бор. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришларга кўра, болани ноқонуний равишда диний таълим олишга жалб қилиш учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваргача миқдорида жарима белгиланади. Ҳуқуқбузарлик бир йил ичида такроран содир этилса, БҲМнинг 15 бараваридан 20 бараваргача миқдорида жарима ёки 15 сутгача маъмурий қамоқ жазоси қўлланади.

Бу чораларнинг ҳаётимизга татбиқ этилиши бежизга эмас. Боланинг қалби ва онги оқ қоғозга ўхшайди. У катталарнинг сўзи ва хатти-ҳаракатини ўзига сингдиради. Айниқса, ёш бола устозини кўпинча ҳақиқатнинг ягона манбаи, деб билади. Шунинг учун унга билим бераётган инсоннинг шахсияти ва хулқ-атвори тарбиянинг бир қисми ҳисобланади. Нотўғри муҳитда берилган сабоқ боланинг билими, дунёқараши ва одамларга бўлган ишончига ҳам таъсир қилиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, **“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунга мувофиқ**, расмий диний таълим муассасаларига (мадрасаларга) ўқишга қабул қилиш мактабни тамомлагандан сўнг — 9 синф ёки 11 синфдан кейин, одатда, 15-18 ёшдан бошланади. Болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим олишига халақит берадиган тарзда хусусий тартибда диний таълим бериш тақиқланган.

Ўзбекистонда диний таълим давлат рўйхатидан ўтган расмий диний таълим муассасаларида берилиши лозим. Ноқонуний ҳужраларда ёки тегишли ҳуқуқий асосга эга бўлмаган шахслардан таълим олиш қонунан тақиқланган ва хавфлидир. Мактабни битиргандан кейин йигит-қизлар Кўкалдош, Хадичаи Кубро каби профессионал диний таълим муассасалари ҳамда Тошкент ислом институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси каби олий таълим муассасаларига ҳужжат топширишлари мумкин.

Хўш, унгача фарзандимизга диний-ахлоқий билимларни қандай улашишимиз мумкин? Бу савол ота-оналарни ўйлантириши табиий. Болаларга ҳалоллик, яхшилик ва тўғрилик каби асосий қадриятларни оила муҳитида 3-5 ёшдан бошлаб, уларнинг руҳиятини толиқтирмайдиган шаклда, ўйинлар ва ҳикоялар орқали ўргатиш мумкин. Шунингдек, оилада Дин ишлари бўйича қўмита экспертизасидан ўтган ва чоп этилишига рухсат берилган расмий китоблар ҳамда қўлланмаларни ўқиб бериш тавсия этилади. Бунинг учун ота-оналарнинг ўзи ҳам билимларини ошириб, фарзанди таълимида бевосита иштирок этиши лозим.

Фарзандга илм бериш — уни шунчаки бировнинг қўлига топшириш эмас. Бу унинг бугуни ва эртаси учун жавобгарликни ҳис қилишдир. Бунинг учун яхши ниятнинг ўзи кифоя қилмайди: у тўғри қарор, ҳушёрлик ва масъулият билан мустаҳкамланиши керак. Зеро, фарзандни илмга йўналтиришдан олдин, уни етаклаётган инсон кимлигини билиш — ота-онанинг энг муҳим бурчларидан биридир.

БИР САВОЛ — БИР ЕЧИМ

Ҳуқуқшунос бўлганим сабабли ҳар куни турли муаммоларга дуч келаман. Уларнинг орасида энг кўп учрайдигани, шубҳасиз, оилавий низолар. Айниқса, ажралиш ёқасига келиб қолган эр-хотин ўртасида мол-мулкни тақсимлаш масаласи кўпинча жиддий тортишувларга сабаб бўлади.

ХАДЯ, МЕРОС ЭР-ХОТИН ЎРТАСИДА БЎЛИНМАЙДИ

Диёра ОРИФЖОНОВА,
ҳуқуқшунос.

Яқинда қўшним ҳам шундай вазиятга дуч келганини айтди. Унинг никоҳи бекор қилиниш арафасида, иши эса судгача борган. Уй-жой ва бошқа мол-мулклар тақсимланаётган бир пайтда, туғилган кунида акаси ҳадя қилган автомобиль ҳам ўртада бўлиниши кераклиги ҳақида низо келиб чиққан. “Машина ўз номимда, устига-устак, менга ҳадя қилинган. Энди у ҳам бўлинадими?”, деб мендан ҳуқуқий изоҳ сўради.

Оила кодексининг 25-моддасига кўра, эр-хотиндан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки унинг шахсий мулки ҳисобланади. Демак, автомобиль эрнинг ўзига ҳадя қилинган бўлса, у, қоида тариқасида, эр-хотиннинг умумий мулки ҳисобланмайди ва никоҳ бекор қилинаётганда ўртада тақсимланмайди. Бунда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жиҳат фақат автомобилнинг кимнинг номига расмийлаштирилгани эмас, балки унинг қандай асосда олинганидир. Ҳадя айнан эрга берилгани тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланса, автомобиль унинг шахсий мулки сифатида эътироф этилади.



Бироқ қонунда истисно ҳолат ҳам назарда тутилган. Агар никоҳ давомида умумий маблағлар ёки эр-хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига автомобилнинг қиймати анча ошган бўлса, масалан, капитал таъмирлаш ёки жиддий қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилган бўлса, суд уни эр-хотиннинг биргаликдаги мулки, деб топиши мумкин. Бундай ҳолатда масала аниқ далиллар ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб ҳал этилади.

Амалий хулоса шуки, агар сизга ота-онангиз, ака-укангиз ёки бошқа шахслар автомобиль, уй ёки бошқа қимматбаҳо буюмлар ҳадя қилса, ҳадя шартномаси ва мулкнинг айнан сизга берилганини тасдиқловчи ҳужжатларни сақлаб қўйинг. Зарур ҳолларда бу ҳужжатлар судда шахсий мулкингизни ҳимоя қилиш учун муҳим далил бўлади.

“Тақсир” аслида ҳурмат сўзими?

СЎЗЛАРДА МАЪНО БОР, МАЪНОДА ФИКРАТ...

Атрофингизда бирор кишининг бошқасига “тақсир” ёки “тақсирим”, деб мурожаат қилганини эшитганмисиз? Бугун бу сўз, айниқса, диний арбоблар, уламолар ва шайхларга нисбатан ҳурмат ифодаси сифатида қўлланади.

Аммо, қизиғи шундаки, **“тақсир”** сўзининг асл луғавий маъноси ҳурмат ёки улуғлашни эмас, балки **камчилик ва нуқсонни** англатади. Араб тилидаги “тақсир” сўзи қусурлилик, камчиликка йўл қўйиш, бирор ишни лозим даражада бажармаслик маъноларини билдиради.

Хўш, унда камчиликни англатувчи бу сўз қандай қилиб ҳурмат ифодасига айланиб қолган?

Бунинг бир изоҳи бор. Олдинлари икки киши суҳбатлаша туриб, улардан бири ўз фикрини билдирганда, **“Агар гапимизда бирор хато ёки камчилик бўлса, тақсирим бўлсин”**, деган маънода гапирган. Яъни: “Менинг гапимда нуқсон бўлса, айб мендан, мен хато қилаётган бўлишим мумкин”, деган маънони назарда тутган. Бу ерда “тақсирим” бировни улуғлаш эмас, балки ўз камчилигини тан олиш, суҳбатдош олдида камтарлик қилиш ифодаси бўлган.

Вақт ўтиши билан **ушбу талқиндаги “бўлсин” сўзи тушиб қолиб, “тақсирим” шакли сақланиб қолган.** Кейинги авлодлар эса катталарнинг бир-бирига “тақсирим” деб мурожаат қилишини эшитиб, бу сўзни ҳурмат белгиси сифатида қабул қила бошлаган. Шу тариқа “тақсир” аста-секин **“жанобим”, “ҳазратим”** маъносида ишлатиладиган мурожаатга айланган, деган қараш мавжуд.

Демак, бу талқинга кўра, диний арбоб, олим ёки шайхга “тақсир”, дейиш сўзнинг асл луғавий маъносига эмас, балки кейинчалик шаклланган мурожаат одатига асосланади.

Шавкат Раҳматуллаевнинг
“Ўзбек тилининг этимологик луғати” китобидан.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сурхондарё вилояти бошқармаси жамоаси Бошқарма бошлиғи ўринбосари **Ўктам АЛИБОЕВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия билдиради.



Тошкентдаги Олимпия шаҳарчасида ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМПИАДАСИ бошланди. 3 500 нафардан ортиқ иштирокчи спортнинг 26 тури бўйича беллашади.



ШАҲЛО ТУРДИҚУЛОВА Бутунжаҳон фанлар академиясининг Марказий ва Жанубий Осиё бўйича вице-президенти лавозимига сайланди.



Пойтахтдаги 10 гектар ҳудудда кино хизматлари жамланган ягона индустриал кластер – “ЎЗБЕКФИЛЬМ КИНО ШАҲАРЧАСИ” ташкил этилади.

ҲИДОЯТ БЕКАТИ

Маърифат ЙЎЛДОШЕВА. Тошкент шаҳри:

— Ҳозирги кунда электрон тасбеҳлардан ҳамма фойдаланяпти. Менинг бир ўқитувчим тасбеҳимни кўриб “ҳамма ўзи учун зикр қилади, оммага кўрсатиб юриш керак эмас, одамларни кўзи учун бўлиб қолади”, дедилар. Тасбеҳ олиб юриш мумкин эмасми?

ТАСБЕҲ ИШЛАТИШ РИЁКОРЛИКМИ?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Динимизда ҳар бир амал ниятга боғлиқдир. Агар кимдир тасбеҳни одамлар уни “тақводор”, деб мақташи учунгина олиб юрса, бу қилинган зикрдан фойда йўқ. Бу ҳақда аллома Абдулҳай Лакнавий ўзларининг “Зийнатул фикр фи субҳатиз зикр” асарида шундай деганлар: **“Агар тасбеҳни тутиш риёга *(ҳўжакўрсинликка)* олиб келса, ундан сақланиш лозимлигида шубҳа йўқ. Шунингдек, ҳар қандай нафл ибодат ёки амал риёга олиб борса, ундан тийилиш вожибдир ва бу борада баҳсга ўрин йўқ”.**

Бундан маълум бўладики, асосий муаммо тасбеҳнинг ўзида эмас, балки уни ишлатишдаги ниятдадир. Агар ният холис бўлса, тасбеҳ зикр саноғини аниқ ҳисоблаш ва фикрни жамлаш учун хизмат қиладиган фойдали воситадир. Шунинг учун электрон ёки оддий тасбеҳдан фойдаланиб, ёлғиз ҳолатда ҳам, одамлар орасида ҳам риёдан сақланган ҳолда зикр қилиш мумкин ва бунда ҳеч қандай монелик йўқ. Чунки кўп ададда айтиладиган зикрларни тасбеҳсиз айтиш қийинчилик туғдиради. Демак, амалингиз фақат Аллоҳ учун бўлса, уни бошқалар кўриши сизга зарар етказмайди.

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Қишнинг совуқ кунлари яқинлашгани сари ҳар биримиз хонадонларимизда мўътадил ҳароратни сақлашга интиламиз. Табиат бизга ато этган кўмир, табиий газ каби бебаҳо неъматлар ҳаётимиз файзини ва тўкинлигини таъминлаб турса-да, уларни асраб-авайлаш, кейинги авлодларга тоза ва соғлом экотизим ҳолида етказиш барчамизнинг бурчимиз.



ИҚТИСОДИЙ МАНФААТ МУҲИММИ ЁКИ ЭКОЛОГИК МАСЪУЛИЯТ?

Моҳигул ҚОСИМОВА, журналист.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда дастурхонимиз тўкинлигини таъминлаш учун совуқ мавсумда иссиқхоналарга бўлган эҳтиёж ҳам катта экани бор ҳақиқат. Бироқ бу эҳтиёжлар табиат ва инсон саломатлиги ҳисобига бўлмаслиги керак, чунки ана шундай нозик ва мураккаб мувозанатни сақлаш, бир томондан тоза ҳаво ва экологияни асраш, иккинчи томондан эса иссиқхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаб, уларга кенг имкониятлар яратиш давлатимизнинг доимий эътиборида турибди.

Ана шуларни инобатга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 22 октябрдаги “Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудларда иссиқхона хўжаликларининг экологик хавфсиз фаолият юритишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, янги экологик тартиб жорий этилди. Хусусан, пойтахтимиз билан биргаликда Юқори Чирчиқ, Қибрай, Янгийўл, Зангиота ва Тошкент туманлари “Махсус ҳудуд”, деб белгиланиб, бу ердаги иссиқхоналар фаолияти учун замонавий ва хавфсиз талаблар қўйилди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

Эндиликда бу ҳудудлардаги иссиқхоналар фақатгина табиий ва суюлтирилган газ, электр энергияси, геотермал ҳамда қуёш энергияси, шунингдек, иссиқлик электр станцияларидаги иккиламчи иссиқлик энергиясидан фойдаланган ҳолда ишлаши лозим. Шу билан бирга, қаттиқ ёқилғида фаолият юритаётган хўжаликлар кўрсатилган муддатга қадар ўз тизимини мазкур экологик манбаларга ўзгартириши ёки фақатгина ўта қатъий талабларни бажарган ҳолдагина фаолият юритиши шарт. Қолаверса, шиналар, битум, мазут, пластмасса, полимер плёнкалар, резина ёки маиший чиқиндиларни ёқилғи сифатида ёқиш қатъиян тақиқлангани ҳаммамиз нафас олаётган мусаффо ҳавони асрашда муҳим аҳамиятга эга.

Табиийки, бундай жиддий талаблар тадбиркорларни қийин аҳволга солиб қўймайдими, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Бироқ, давлатимиз сиёсати ҳар доим инсон манфаатларига ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилгани боис, мазкур ҳужжатда жуда катта ғамхўрлик ва имтиёзлар назарда тутилган. Жумладан, иссиқхоналарни экологик жиҳатдан модернизация қилишни рағбатлантириш мақсадида кўмак чоралари белгиланди-ки, унга кўра, чанг-газ тозалаш ускуналари, қозонлар, энергия тежамкор экранлар ва самарадор технологияларни харид қилиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ ҳар бир гектари учун 50 миллион сўмгача бўлган қисми давлат бюджети ҳисобидан субсидия сифатида қоплаб берилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, тўғридан-тўғри назорат қилиш ускуналарини харид қилиш истагида бўлган иссиқхоналарга 7 йил муддатга фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан ҳар бир ускуна учун 350 миллион сўмгача маблағ молиялаштирилса, кейинги лойиҳалар учун тижорат банклари орқали етти йил муддатга, уч йиллик имтиёзли давр билан, йиллик 14 фоиз ставкада ва ҳар бир гектарга 3 миллиард сўмгача имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган.

Буларнинг барчаси юртимиз табиати мусаффолигини, ҳаво тозалигини таъминлаш билан бирга, тадбиркорларнинг ишлари баракали ва фаровон бўлишига қаратилган чинакам ғамхўрликдир. Албатта, белгиланган қоидаларга риоя қилмаганларга нисбатан экологик экспертиза хулосасини вақтинча тўхтатиш ва тармоқлардан узиш каби қатъий чоралар ҳам кўрилиши табиат олдидаги масъулият нақадар муҳим экани-ни кўрсатади.

Умуман олганда, ушбу қарорни экологик мувозанатни асраш, иссиқхона эгаларига замонавий, тежамкор ва хавфсиз технологияларга ўтиш учун кенг йўл очиб берадиган ҳужжат, десак тўғри бўлади. Табиий бойликларимизни кўз қорачиғидек асраб, уни келажак авлодларга бекаму кўст етказиш ҳамда совуқ кунларда халқимизга меҳр ва илиқлик улашиш йўлидаги бундай эзгу саъй-ҳаракатлар, албатта, ўзининг юксак самараларини беради.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар учун лифт кундалик ҳаётнинг ажралмас қисми. Айниқса, юқори қаватларда яшайдиган кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёш болали ота-оналарга бу ускуна жуда зарур. Бироқ қурилманинг ишдан чиқиши, эшикларининг носозлиги, ҳаракат вақтида кескин силкиниши ёки одамларнинг ичкарида қолиб кетиши жиддий хавф демак.

Лифт “лип” этиб юриб турсин десангиз...

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, журналист.

Шу боис лифтдан фойдаланиш, аввало, инсон ҳаёти ва саломатлиги, аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифати ҳамда масъул ташкилотларнинг жавобгарлиги билан боғлиқ масаладир.

Ҳукуматнинг 2026 йил 22 октябрдаги қарори билан “Лифтдан фойдаланиш ва унга техник хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Мазкур ҳужжат лифтларни рўйхатга олиш, уларга хизмат кўрсатиш ва техник ҳолатини назорат қилиш жараёнларини электрон платформа орқали ташкил этишни назарда тутади. Қарор 2027 йил 1 январдан кучга кириши белгиланган.

ЭНДИ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

*— Эндиликда янги қурилиб, фойдаланишга топширилаётган кўп квартирали уйлардаги лифтларга қурилиш ташкилотлари бир йил давомида мажбурий таъмирлаш хизмати кўрсатади, **— дейди Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси Ҳусниддин Шодиев.** — Шунингдек, лифтлар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини сотиб олиш ҳамда сотиш Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ишлаб чиққан “Хавфсиз лифт” электрон платформаси орқали амалга оширилади.*

Ҳужжатда хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг мажбуриятлари ҳам аниқ белгиланган. Жумладан, лифтларга ойлик, уч ойлик, олти ойлик ва йиллик техник хизмат кўрсатиш ишлари тартибга солинади. Фуқароларнинг лифтлардан фойдаланиш қоидалари ҳам белгиланган. Хусусан, қурилиш маҳсулотлари, қурилиш чиқиндилари, ўткир ҳидли кимёвий моддалар ҳамда лифт ўлчамларига мос келмайдиган буюмларни ташиш қатъий тақиқланади.

Мазкур қарор лифтларни ўрнатишдан тортиб, уларга хизмат кўрсатиш ва фойдаланишгача бўлган жараёнларда барча томонларнинг масъулиятини белгилаб, қурилмалардан хавфсиз фойдаланишни таъминлашга қаратилган.

ҲАР БИР МАЪЛУМОТ ФОЙДАЛАНУВЧИ УЧУН МУҲИМ БЕЛГИ

Янги низомда лифт хонасининг кўринарли жойига идентификация рақами, рўйхатга олингани ҳақида QR-кодли маълумот, бино бошқарувчиси ва техник хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг номи, манзили ҳамда боғланиш маълумотларини жойлаштириш талаби белгиланган.

Бу талабнинг амалий аҳамияти катта. Йўловчи лифтда муаммо юзага келганда қайси ташкилотга мурожаат қилишни билиши керак. Маълумотлар очиқ ва тушунарли бўлса, аҳолининг муаммо ҳақида хабар бериш имконияти ҳам кенгаяди.

Бироқ маълумотни жойлаштиришнинг ўзи кифоя эмас. Кўрсатилган телефон рақамлари ишлаши, мурожаатлар қабул қилиниши ва носозлик ҳақидаги хабарларга тезкор муносабат билдирилиши лозим. Акс ҳолда, лифтдаги маълумотнома расмий талабни бажариш учунгина илиб қўйилган қоғозга айланиб қолади.

УЧ ЙИЛЛИК КАФОЛАТ: МАСЪУЛИЯТНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Низомга кўра, ўрнатувчи муомалага чиқарган ҳар бир лифтга камида уч йиллик кафолат беради. Бу даврда таъмирлаш ва лифт қисмларини алмаштириш муддати ўн беш кундан ошмаслиги керак.

Бироқ кафолатнинг амалдаги қиймати унинг муддати билангина ўлчанмайди. Носозликни ким аниқлайди, таъмирлаш жараёнини ким назорат қилади, зарур эҳтиёт қисмлар ўз вақтида топиладими — буларнинг барчаси муҳим. Айниқса, лифтнинг узоқ вақт ишламай



туриши юқори қаватларда яшайдиган кексалар ва ҳаракатланиш имконияти чекланган шахслар учун катта қийинчилик туғдириши мумкин.

Шу сабабли кафолат талабларининг бажарилиши устидан назорат ҳамда фойдаланувчилар мурожаатларини кўриб чиқиш тизими самарали ишлаши лозим.

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ ФАҚАТ ЖАЗОМИ?


Лифтнинг хавфсизлиги нафақат унинг техник ҳолати, балки ундан фойдаланувчиларнинг маданиятига ҳам боғлиқ. Афсуски, айрим кўп қаватли уйларда лифт ички деворларига турли эълонларни ёпиштириш, чиқиндиларни ташлаб кетиш, деворларга чизиш ёки ускуналарга эҳтиётсиз муносабатда бўлиш каби ҳолатларга дуч келиш мумкин. Зеро, лифт бир кишининг эмас, бутун уй аҳлининг фойдаланишига мўлжалланган. Уни ифлослантириш ёки шикастлаш орқали инсон ўз қўшниларининг ҳам қулайлигига зарар етказади.

Бундан ташқари, лифтда болаларни назоратсиз қолдириш, тугмаларни атайлаб босиш, эшикларни куч билан ушлаб туриш ёки лифтдан белгиланган қоидаларга зид равишда фойдаланиш ҳам хавфли вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, қурилиш ишлари пайтида чиқиндилар ва оғир буюмларни йўловчи лифтида ташишга йўл қўймаслик муҳим.

Муаммонинг ечими фақат огоҳлантирувчи ёзувлар ёки жазо чораларида эмас. Лифтдан фойдаланиш қоидаларини тушунтириш, эълонлар учун махсус жой ажратиш, тозаликни сақлаш ва носозликлар ҳақида хабар бериш имкониятини яратиш керак. Энг муҳими, ҳар бир фойдаланувчи лифтни ўз уйининг бир қисмидек асраши зарур.

Чунки хавфсизлик техник қурилмалардан бошланса, тартиб ва тозалик инсоннинг муносабатида намоён бўлади. Умумий мулкка ҳурмат — ўзгалар манфаатини қадрлаш, жамоат жойидаги маданият эса ҳар биримизнинг кундалик хатти-ҳаракатимиздан бошланади.

Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



ЧИНАКАМ ИРОДА ТЎСИҚЛАРГА МАҒЛУБ БЎЛМАГАН

Баъзан инсоннинг кучини босиб ўтган масофаси эмас, енгган қийинчиликлари кўрсатади. Спортда эса ҳар бир ғалаба ортида машаққатли меҳнат, қатъият ва ўз имкониятларига ишонч мужассам.

Япониянинг Айти — Нагоя шаҳарларида ўтказилган V ёзги Параосиё ўйинларида Хуршид Қодиров ўзбек спорти тарихига яна бир ёрқин саҳифа қўшди. У мусобақада учта олтин медални қўлга киритиб, юксак маҳорат ва кучли иродасини намоён этди. Айниқса, 100 метрга югуришда 15,40 сониялик натижа билан Осиё рекордини янгилагани унинг муваффақиятини янада аҳамиятли қилди.

Бир қарашда 100 метр қисқа масофадек туюлади. Аммо спортчи учун бу лаҳзалар ортида қанча машғулот, қанча такрорланган ҳаракат ва сабр турганини тасаввур қилиш қийин эмас. Стартдаги ҳар бир сония, маррагача бўлган ҳар бир қадам — йиллар давомида шаклланган маҳоратнинг натижаси.

*— Хуршид Қодировнинг халқаро майдондаги галабаси нафақат унинг оиласи ва маҳалламиз, балки бутун халқимиз учун катта фахр, **— дейди Пахтакор туманидаги “Олмазор” маҳалласи раиси Зоир Қаршиев.** — Унинг эришган юксак натижаси ҳар бир маҳалладошимизни ҳаяжонга солди.*

Бу йигитни доим машғулотга кетаётган вақтда учратар эдим. Кўзларидаги иштиёқ ва спортга қизиқиш яққол кўриниб турарди. Айниқса, ҳеч бир қийинчиликни писанд қилмай, қайта ва қайта ҳаракат қилишга интилиши алоҳида ҳурматга сазовор.

Энг муҳими, Хуршид ўзининг матонати ва қатъияти билан инсон олдига мақсад қўйса, қандай натижаларга эришиши мумкинлигини амалда кўрсатди. Унинг ютуғи ёшларимизга ибрат, маҳалламиз аҳлига эса чексиз қувонч бағишлайди. Биз бундай ёшларимиз билан фахрланамиз ва уларнинг келгуси фаолиятида ҳам омад тилаймиз.

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ



Медаллар вақт ўтиши билан тарих саҳифасига айланади. Аммо уларга элтган меҳнат, матонат ва қатъият одамлар хотирасида қолади. Хуршид Қодировнинг муваффақияти ҳам ана шу жиҳати билан қадрли: у маррага етишнинг ўзини эмас, унга қандай ирода билан бориш муҳимлигини кўрсатди.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.

Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.

Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами: А2, 4 б.т.

8 309 нусхада чоп этилди.

Буюртма №: Г-1020

ISSN 2010-7013